ДЕҲҚОН, КЎКЛАМ ЧОРЛАЯПТИ!

КПСС МК ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЁППОЙИ ЎТГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШЯПМИЗ?

ИЛҒОР тажриба МИНБАРИ

Колхозимиз шароитида ёввойи ўт ишимизга катта зарба бериб келар эди. 1956 йилдан 1962 йилгача колхозда план бажарилмади. Бунга ёввойи ўтларнинг кўпайиб кетиши ҳам сабаб бўлган эди. Чунки ёввойи ўт ўсимликнинг ашаддий душмани, ҳашарот каби зарарли. У ўсимликнинг ризқини қияди.

Одатда биз мана шу ёввойи ўтга қарши чигит унib чиққандан кейингина кураш олиб борар эдик. Ваҳоланки, бу давр деҳқонларнинг икки оёғи бир этикка тиқиладиган, бош қашишга ҳам вақт тополмайдиган жуда долзарб пайт: бир томондан ғўзани ягана қилиш, суғориш, парвариш қилиш лозим бўлса, иккинчи томондан пилла қуртларига қараш керак бўлади. Бу кезларда деҳқон ғўза ичидаги ўтни тозалашдан кўра кўзни чирт юмиб, кўпроқ қурт боқишга уриниб кетади. Шунинг учун ғўзанинг яганаси ҳам, унга ўғит бериш ҳам, ўтдан тозалаш ҳам кечиктириб юборилади. Натижада ғўзанинг барвақт ва эркин ривожланиши учун етарли шароит бўлмайди, эртаги ғўза ҳам кечки бўлиб қолади. Кечки ғўза кузда қандай оқибатларга олиб келишини деҳқонлар яхши тушунадилар.

Мана шу каби мулоҳазаларни назарда тутиб, ўтган йили биз ёввойи ўтга қарши чигит экишдан олдин олиб борилган кураш энг яхши самара беради, деган хулосага келдик. Нима учун? Чунки колхозимизда етти йилдан бери план бажарилмай, деҳқончилик маданияти пасайиб, ерларни ҳаддан ташқари ўт босиб кетган эди. 700 гектар ердаги ғўза ҳамиша ўт ичида қолиб яхши ривожланмас эди. Ўт билан кураш даврида бор кўчатларнинг бир қисми йўқолиб кетар эди. Ўтган йили эса мана шу 700 гектар ердан 692 тонна ёввойи ўт илдизлари териб ташланди. Бу ишда техникадан ҳам, қўл кучларидан ҳам имкон борича фойдаландик. Масалан энг олдин КРН культиватори билан ерлар бўшатилди. Сўнгра БЗР—3,5 осма борона билан ер сидирилиб, ёввойи ўт илдизлари карта четларига суриб чиқазилди. Ундан кейин қолган илдизларни қўл билан териш ташкил этилди. Бу иш икки мартаба такрорланди. Ер шароитига қараб пастки ерларда илдизни ер бетига чиқаришда КРН маркали культиватор, қир ерларда НКУ-4,6 маркали культиватор ишлатилди.

Илдиз териш вақтида колхозчилар моддий жиҳатдан рағбатлантириб турилди. Бир тонна ёввойи ўт илдизи терган кишига 19 сўм 60 тийиндан ҳақ тўланди. Албатта серўт ерлардан илдиз териш осон, кам ўтли ерларда эса қийин бўлади. Шуни ҳисобга олиб ва ишнинг сифатли бўлишини назарда тутиб, серўт ерлардан терилган бир килограмм илдиз учун икки тийиндан, кам ўтли ерлардан терган бир килограмм илдиз учун уч тийиндан ҳақ берилди. Бу ишда қатнашган механизаторларга эса гектарига ва тоннасига қараб ҳақ тўланди. Умуман ўтган йили колхоз бўйича ёввойи ўт илдизларини териб олиш учун 11 минг 318 сўм сарф қилинди.

Бу харажатларни кўрган кишининг кайфи учиб кетиши, бундан нима наф бор, деб ўйлаши мумкин. Лекин шу харажатлар колхозга зиён эмас, катта фойда келтирди.

Ўтган йили колхозимизда 118 қути пилла қурти тутилди. Бу катта куч талаб қиладиган иш. Лекин ёввойи ўтга қарши олдин қурашилгани учун қурт боқиш даврида ғўзаларимизни ҳар йилгидек ўт босиб кетмади. Қурт боқиш иши ғўза парваришига халақит бермади. Ўт кам бўлгани учун ҳар йилгидек ўт билан бирга ғўза кўчатлари юлиб ташланмай, тўла сақлаб қолинди. Агар 1962 йилда ҳар гектар ерда бор-йўғи 63 минг туп кўчат қолган бўлса, 1963 йилда 86 минг 900 туп кўчат сақлаб қолинди. Ёввойи ўт шошириб қўймагани учун ҳамма агротехника тадбирлари бир меёрда ўз вақтида олиб борилди.

Бу дастлабки натижалар, холос. Аммо йилнинг якуни бундан ҳам қувончли бўлди. Ҳосилдорлик 1962 йилда гектар бошига 21.4 центнердан бўлган бўлса, ўтган йили 29,9 центнерданга етди. План муддатидан анча илгари бажарилди. Пландаги 70 ўрнига 81 процент пахта биринчи сортга топширилди. Ҳосилдорлик ошгани ва пахтанинг кўпи биринчи сортга топширилгани учун пландаги 806 минг 200 сўм ўрнига 862 минг 804 сўм даромад олинди. Бундай қувончли натижага эришишда ҳеч шубҳасиз чигит экишдан олдин ёввойи ўтга қарши олиб борилган кураш ҳам ижобий роль ўйнади.

Масалан бригада бошлиғи Турсуной Охунова ўтган йили аввал 17—20 центнердан ҳосил олиниб келган қолоқ бригадага ўтиб ишлади. Бу бригаданинг аъзолари 81 гектар ердан 121 тонна ёввойи ўт илдизини терib ташлагач чигит экишди. Бу эса қолган агротехника тадбирларини қулай муддатларда ўтказилиши учун кенг йўл очиб берди. Натижада ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил кўтарилди. 1962 йилга нисбатан бригадада ҳосилдорлик 23 центнер ошди.

Ўртоқ Перне Абдураимов бошлиқ бригадада ҳам илгари гектаридан 15—16, энг кўп деганда 19 центнердан пахта ҳосили олинарди. Ўтган йили шу бригаданинг аъзолари 98 тонна ўт илдизини териб, ўз ерларини тозаладилар. Ғўзани яхши ривожланиши учун дастлабки қулай шароитни яратдилар. Бошқа дала ишлари ҳам бир меёрда, сифатли ўтказилгани учун йил охирида гектаридан 37 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

Ўртоқ Хожимат Келдиев бошлиқ бригадада 1962 йилда ҳар гектар ердан бор-йўғи беш центнердан ҳосил етказилган эди. Ислоҳат массивига жойлашган бу бригадада 1960 йилда энг кўп пахта етиштирилганда ҳам олинган ҳосил 8,8 центнердан ошмаган эди. Бу бригадада ўт ҳосилнинг заволи бўлиб келарди. Ўтган йили экишдан олдин ёввойи ўтга қарши ўтказилган тадбирлар бригаданинг бутун йил давомида олиб борадиган ишларига қулай шароит яратиб берди. Ҳар йилгидек ўт уларни эмас, ўтни улар енгиб олдилар. Йил охирида 1962 йилдаги 5 ўрнига 19,1 центнердан ҳосил кўтарилди.

Ёввойи ўтга қарши кураш чигит унib чиққанидан кейин ҳам давом эттирилди. Айниқса пилла қурти боқиш ва ғўзани биринчи парвариш қилиш давридаги ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Ёввойи ўт илдизлари териб ташланган бўлса ҳам, аммо ёввойи ўтларнинг уруғини терib ташлаб бўлмайди. Улар ғўза билан бирга униб чиқа бошлайди. Шуни назарга олиб биз бу пайтда бир неча хил ишни трактор билан бирйўла бажаришга ҳаракат қилдик. Масалан, биринчи культивация даврида ҳар бир трактор бирйўла уч хил ишни бажарди. Чунки тракторга культиватордан ташқари СУЗ, ратоцион мотига, тракторнинг олди томонига мослаштириб бритва осилди. Шундай қилиб бир трактор бир вақтда ғўзани культивация қилди, ўғитлади ва ғўза тагларидаги ёввойи ўтларни йўқотди. Бунинг учун тракторчиларнинг иш нормаси 10—15 процент камайтириб берилди.

Чигит экишдан олдин ёввойи ўтга қарши олиб борилган курашлар, мўлжалланган ҳамма режаларимизни нормал давом эттиришни таъминлади. Кўчатлар тўла сақланиб қолинди. Ёшлигиданоқ ўт орасида қисилмай, нимжон бўлмай, эркин ва дуркин ривожланган ғўзаларда мўл ҳосил етиштирилди. Колхозимизда план ошириб бажарилди. Даромад кўпайди.

Биз чигит экишдан олдин ёввойи ўтга қарши курашнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини яхши тушуниб олдик. Бу тадбир минерал ўғитлардан тўғри ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун ҳам катта имкониятлар туғдиради. Минерал ўғитларнинг фақат ғўзанинг ўзига сарф бўлишига тўла шароит вужудга келтиради. Буни қуйидаги мисолдан яққол кўриш мумкин:

1962 йилда ўртоқ Хожимат Келдиев бошлиқ бригаданинг ҳар гектар ерига 280,8 килограммдан минерал ўғит солинган эди. Лекин ундан олинган ҳосил бешцентнердан ошмади. Чунки ҳамма ерни қалин ўт босиб кетган, ўғит фақат ғўзага эмас, ўтга ем бўлган, ўғит беҳуда кетган эди.

КПСС Марказий Комитетининг тарихий декабрь-февраль Пленумлари қишлоқ хўжалигини тез ривожлантириш тадбирларини белгилаб берди. Февраль Пленумида деҳқончиликни ва чорвачиликни кенг равишда химиялаштириш, суғориладиган деҳқончиликни бутун чоралар билан ривожлантириш ва комплекс механизациялаш, қишлоқ хўжалигини интенсив равишда юритиш, фан муваффақиятларини, илғор тажрибани ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш энг асосий вазифа эканлиги кўрсатиб берилди. Бу улкан вазифаларни бажаришда ҳар бир хўжалик ўз ҳиссасини қўшиши, ишга ижодий ёндошиши лозим. Ҳали ёввойи ўтларни батамом қириб ташлайдиган химикатлар етарли бўлмаган ҳозирги шароитда, қачон шундай химикатлар бўлар экан, деб кутиб туриш мумкин эмас. Шунинг учун мўл пахта ҳосили етиштириш мақсадида чигит экишдан олдин ёввойи ўтга қарши кураш олиб бориш, ҳозирги шароитда жуда катта аҳамиятга эга эканлигини назарга олиб, биз бу йил ҳам яхши ишни давом эттириш режаларини тузиб чиқдик. Шу режага мувофиқ 420 гектар ердан экишдан олдин 15 кунда 500 тонна ёввойи ўт илдизларини териб олишимиз лозим. Бунинг учун 2 та КРН маркали, 8 та КНУ-4,6 марлаки культиватор, 8 комплект БЗР-3,5 маркали осма борона ва шу техникани ишлатиш учун зарур тракторлар ажратдик. Ёввойи ўт илдизларини териб ташлашга 300 киши қатнашади.

Терилган издизлар пайкалнинг ўзида дарҳол тортиб олиниб прицепларга ортилади. Бунинг учун зарур бўлган тош-тарозилар ва транспорт воситалари ажратилди. Ҳарқайси бригада ва звено бошлиқларининг ўзлари илдиз теришнинг сифатли ўтказилишини назорат қилиб турадилар. Ҳар килограмм илдизга пул тўлангани учун терилган ўтлар маълум жойда тўкилиб ҳисобга олинади. Бу ишга қатнашган кишиларга қулай маиший шароит яратиш мақсадида далада иссиқ овқат ташкил этилади. Дала ўтдан тозаланиб бўлгач, агроном, бригада ва звено бошлиқлари иштирокида сифат комиссияси томонидан иш қабул қилиб олинади. Хуллас бу ишнинг сифатли ўтказилиши учун ҳамма чоралар кўрилади. Бу соҳадаги бизнинг режаларимиз мана шулардан иборат.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленумлари қарорларидан руҳланган колхозчиларимиз бу йил ҳам мўл пахта ҳосили етиштириш учун кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўришда ишни дастлаб ёввойи ўтга қарши курашдан бошладилар.

Султон ШЕРМАТОВ,
Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли колхоз раиси.

Мамат ХОЛМАТОВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

Аҳмад ҒАФФОРОВ,
агроном.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 43 (2591) | шанба, 29 февраль 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ҚИРҚБЕШ ЦЕНТНЕРЧИ

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Правда» колхози аъзолари Огай Александрни «45 центнерчи пахтакор» деб таърифлашади. Ўтган йили Александр колхознинг 7-бригадасига бошчилик қилди. Бригадада барча дала ишлари сифатли ўтказилганлиги туфайли ҳосил мўл бўлди. 166 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта топширилди.

Шунинг учун ҳам колхозчилар бу йил уни колхознинг бош агрономи лавозимига кўтардилар. Ҳозир Александрнинг тиними йўқ. У янги йилда янги марраларни кўзлаб иш тутмоқда. Ўзининг бой тажрибасини ишга солиб, колхоз бўйича ҳосилдорликни оширишга ҳисса қўшиш учун курашаётир.

С. МУҲИТДИНОВ.

БАҲОР ТАРАДДУДИ


ОҚҚЎРҒОН. «Ўзбекистон» колхозининг деҳқонлари бу йил 1460 гектар майдондан 3550 тонна «оқ олтин» ундиришга бел боғлашди. Бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Улар буни яхши тушунганлари ҳолда долзарб дамларга намунали тайёргарлик кўришаяпти. Хўжалик далаларига ҳар куни салкам 100 тоннадан гўнг ташиб чиқарилаяпти. Шу кунгача ташиб чиқарилган гўнг 2 минг тоннадан ошиб кетди. Бундан ташқари 1800 тоннадан кўпроқ компост тайёрланди. Механизаторлар эса техника ремонтини бугун-эрта тугаллаш учун ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилишмоқда.

О. Тўрақулов.

КАЛИНИН. Бошқармадаги «Коммунист» колхози аъзоларининг шу кунларда қилаётган ишлари мақтовга сазовордир. Ҳар куни далага 100—120 тонна гўнг ташиб чиқарилаяпти. 2 минг тонна компост тайёрланди. Хўжаликнинг 31 азамат механизатори ремонт ишларини кўнгилдагидек тугаллади. 8 минг кубометрлик ҳажмдаги ариқ-зовурлар сув равон оқадиган қилиб тозаланди.

Шунингдек «Ленинизм» ва Охунбобоев номли колхозлар ҳамда «Келес» совхозида тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ремонти асосан тугалланди. «Правда» ва Киров номли колхозларнинг илғор бригадалари деҳқонлари эса кўкламни ҳар тарафлама шайланган ҳолда кутиб олиш учун ғайратни сира бўшаштирмай меҳнат қилишаяпти.

С. Мирзалиев,
Т. Жўраев,
Т. Рўзиматов,
А. Сулаймонов.



ТАСС АХБОРОТИ

«КОСМОС—25» ПАРВОЗДА

1964 йил 27 февралда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-25» учирилди.

Йўлдошда ўрнатилган илмий аппаратлар 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиради.

Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди:
— Ер атрофини айланиб чиқишнинг дастлабки даври 92,27 минут;
— Ер юзасидан энг узоқлашган масофаси (апогейи) 526 километр;
— орбитанинг Ер юзасига энг яқин масофаси (перигейи) 272 километр;
— орбитанинг экватор сатҳига оғиш бурчаги 49 градус.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари қуйидагилар бор:
— 90,022 мегагерц частотада ишлайдиган радиопередатчик;
— орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема;
— асбоблар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни Ерга юбориб турадиган радиотелеметрик система.

Йўлдошда ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Координация-ҳисоблаш маркази йўлдошдан олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

Бекободдаги 1-«Далварзин» совхозининг пахтакорлари ўтган йилни катта ютуқлар билан якунлаган эдилар. Улар жонажон партиямиз Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарорини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида янада улкан марраларни кўзлаб иш юритишмоқда.

Шу кунларда совхоз меҳнаткашлари ҳузурида бўлган киши беҳад қувонади. Далаларда меҳнат авжида. Бир томонда гўнг ташиб чиқарияпти, компост тайёрланаяпти, бир томонда ариқ-зовурлар тозаланяпти. Ремонт устахоналарида эса иш бундан ҳам қизғин. Механизаторлар деҳқонининг мушкулини осон қиладиган техникани кўкламга тўла шайлаб қўйиш учун чинакамига ҳаракат қилишяпти. Айниқса 3-бўлим механизаторларининг иши мақтовга сазовордир. Бу ерда ҳозиргача 19 та чигит экадиган сеялканинг ҳаммаси сифатли ремонт қилиб қўйилди. Ҳайдов ва чопиқ тракторлари, қишлоқ хўжалик машиналари ремонти ҳам тугалланиш арафасида турибди. Чапдаги суратда механик ўртоқ Камол Измаилов ремонтдан чиққан моторни текшириб турган пайтида олинган. Ўнгдаги суратда эса механизаторлардан Йигитали Усмонов (чапда) ва Умар Асанов ўртоқларни кўриб турибсиз. Улар ўзлари ремонтдан чиқарган сеялкаларни яна бир бор текширib кўрмоқдалар.

А. Абалян фотолари.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларига асосан Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясига 1964 йилдан бошлаб илмий тадқиқот институтларида қишлоқ хўжалик экинларини гидропон усулида етиштиришни кенг ўрганишни ташкил қилишни топширдилар:

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ГИДРОПОНИКАГА КЕНГ ЙЎЛ

сабзавот экинлари бўйича — сабзавот-полиз экинлари ва картошка илмий тадқиқот институтида; пахтачилик бўйича — СоюзНИХИ ҳамда ўсимликлар генетикаси ва физиологияси институтида; Шоли ҳамда бошқа дон экинлари бўйича — лалмикор деҳқончилик илмий тадқиқот институтида ҳамда Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг техника ва суғориладиган дон экинлари бўлимида; ем-хашак экинлари бўйича — чорвачилик илмий тадқиқот институти ҳамда Чиноз совхозида; пиллачилик бўйича (ипак қуртларини қишки мавсумда боқиш учун тут дарахтлари етиштириш) — Фарғона уруғлик пиллачилик станциясида ва пиллачилик илмий тадқиқот институтида; боғдорчилик ва узумчилик бўйича — Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий тадқиқот институтида.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига ҳар бир институт бўйича 1964 йил ва ундан кейинги йилларда гидропоника усулида етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинлари ҳажмини аниқлаш, гидропоника биноларини лойиҳалаштириш учун бир ой муддат ичида лойиҳа топшириқларини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхоз ва «Партия XXI съезди» совхози, Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Политотдел» колхози, Самарқанд ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Боғизоғон» совхозининг сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини очиқ ерда гидропон методи билан етиштиришни ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватладилар ва область партия комитетларига бу ташаббусни қўллаб-қувватлаш билан бирга, гидропон усулини қўлланишни бошқа колхоз ва совхозларга, айниқса сабзавот экадиган хўжаликларга тавсия қилишни топширдилар.

Чорвачилик илмий тадқиқот институтининг наслдор буқалар учун, ёш қорамоллар, чўчқалар ва паррандалар учун гидропон усулида витаминли кўкат озуқалар етиштиришдаги ижобий тажрибасини ҳисобга олиб, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига, область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига, ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари ва бошқармаларига бу тажрибани колхоз ва совхозларда кенг жорий қилиш, гидропоника жиҳозларини жойлаштириш учун шароитли ерлар ва деҳқончиликка нобоп бошқа ерлардан фойдаланиш топширилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига чорвачилик илмий текшириш институтида гидропон усули билан витаминли кўкат озуқалар етиштириш юзасидан колхоз ва совхозларга кадрлар тайёрлаш учун 10 кунлик семинар ўтказиш, шу йилнинг 15 мартига қадар очиқ ва ёпиқ ерларда гидропон усулида турли қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш юзасидан тавсияномалар нашр этиш топширилди.

«Узгипросельстрой»га бир ой муддат ичида ёпиқ ва очиқ ерларда гидропоника жиҳозлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, биринчи галда, бундай лойиҳаларни ҳозир қурилаётган теплица комбинати ва сабзавот-полиз экинлари ҳамда картошка илмий тадқиқот институтидаги очиқ ерлар учун ишлаб чиқиш юклатилди. Бунинг учун Киевдаги гидропоника сабзавот фабрикасининг лойиҳаси асос қилиб олиниши керак.

Тошкент журналистларининг бирлашган конференцияси

Никита Сергеевич Хрушчев совет журналистларини партиянинг дастёрлари деб атади. Ўзбекистон журналистлар союзи Тошкент шаҳар ва область бўлимларининг 27 февралдаги бирлашган конференциясида ана шу отрядлардан бирининг ишлари тўғрисида гаплашиб олинди. Республика журналистлар союзи правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот давлат комитетининг раиси З. И. Есенбоев конференцияни кириш нутқи сўзлаб очди.

Конференция ижодий ташкилотлар раҳбар органларининг ҳисобот докладларини тингланди. Бу ҳақда шаҳар бўлими бюросининг раиси А. Исмоилов, шу бўлим ревизия комиссиясининг раиси Т. Рустамов, область бўлими бюросининг раиси М. Қориев ва бўлим ревизия комиссиясининг раиси М. Ғозиев гапирдилар. Докладчилар журналистлар коллективларининг фаолиятини КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг талаблари асосида атрофлича анализ қилдилар, матбуот ходимлари коммунистик қурилишга муносиб ҳисса қўшишга интилаётганлигини сўзлаб бердилар. Улар бўлимларнинг ташаббускорлик билан бошлаган ишлари, ижодий секцияларнинг фаолияти тўғрисида батафсил гапирдилар. Ижодий секциялар журналистларда янгиликни ҳис қилиш қобилиятини ўстириши, профессионал маҳоратни оширишда уларга амалий ёрдам бериши керак.

Докладларни муҳокама қилишда Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм тонги» газетасининг редактори З. Исроилов, округ «Фрунзевец» газетаси редакциясининг бўлим бошлиғи В. Л. Глинка, «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясининг бўлим мудири А. Абдуқодиров, «Правда Востока» газетаси редакциясининг бўлим мудири Г. Г. Кружилин, республика Министрлар Совети Радио эшиттириш ва телевидение давлат комитетининг старший редактори А. В. Филиппова, «Ташкентская правда» газетаси редакциясининг бўлим мудири Е. И. Михельсон, «Ташкентская правда» газетасининг фотомухбири М. Ф. Комлев қатнашдилар. Мандат комиссиясининг раиси В. И. Тюриковнинг доклади ҳам тингланди. Конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари В. А. Архангельский сўзга чиқди.

Конференция делегатлари механизаторларни коммунистик руҳда тарбиялашда, халқ хўжалигини кенг химиялаштириш, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини интенсивлаш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленумлари белгилаган улуғвор программани амалга оширишда матбуотнинг ролини янада кучайтиришга қаратилган бир қанча таклифларни ўртага қўйдилар. Матбуотда жамоатчилик асосларини ривожлантириш, ишчи деҳқон мухбирлар ҳаракатига раҳбарликни кучайтириш тўғрисида кўп гаплар айтилди. Матбуот ходимларининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 40 йиллигига тайёргарлик кўришдаги иштирокига катта эътибор берилди.

Конференция журналистлар союзининг Тошкент шаҳар ва область бўлимларини бирлаштиришга қарор қилди ҳамда яширин овоз бериш йўли билан бўлим бюросини ва ревизия комиссиясини сайлади.

Журналистлар союзи Тошкент бўлими бюросининг биринчи мажлисида А. Исмоилов бюро раиси, А. Б. Бугланов ва Г. В. Димов раис ўринбосарлари, В. М. Копитова секретарь қилиб сайландилар. Бўлим ревизия комиссияси Н. Н. Соловьевани раисликка сайлади.

(ЎзТАГ).



Темирйўлчилар — тепловоз машинисти Ортиқ Икромов ва поезд тузувчи Жума Ражабовларни ўз касбининг усталари дейишади. Улар ҳозир Янгийўл станциясида маневрлаш бригадасида ишлашяпти. Эл ҳурматини қозонаётган ҳар икки темирйўлчи станцияда поездларнинг тўғри ҳаракатини таъминламоқда. Колхоз ва совхозларга, саноат корхоналарига халқ хўжалиги юкларини ортиб келган составлар станцияда бир нафас ҳам бекор туриб қолмайди. Чунки моҳир маневрчилар поездларни юк тушириш ва юк ортишга вақтида тайёрлаб қўядилар. Фотомухбир М. КОМЛЕВ уларни иш устида суратга олди. Чапдаги суратда: Ортиқ Икромов ёрдамчиси А. Насриддинов билан навбатдаги поездни бошқаришга ҳозирлик кўрмоқда. Иккинчи суратда: кекса темирйўлчи Жума Ражабов поездларни маневрлаш пайтида.

ХИМИЯГА МУҲАББАТ ҚЎЙЙЛИК

Партиямиз Марказий Комитетининг декабрь Пленуми мўъжизакор катта химиянинг истиқболларини белгилаб берди. Мамлакатимиз халқ хўжалигини, айниқса, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда химиядан фойдаланиш кераклиги асосий вазифа қилиб қўйилди. Чунки, химия саноат учун керакли хомашёлар доирасини кенгайтиради. Саноатимизга янги, арзон ва сифатли материаллар беради. Қишлоқ хўжалигини юксалтиришда қудратли дастак бўлади.

Бу юксак вазифалар халқ маорифи ходимлари олдига ҳам катта талаблар қўяди.

— Қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрущевнинг декабрь Пленумидаги якунловчи нутқида,— дейди мухбиримиз билан суҳбатда Ўзбекистон ССР Маориф министри ўртоқ Э. Қодиров, — мактаблар, техникумлар ва олий ўқув юртлари машғулотлари программаларини қайта қараб чиқиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Биз ҳозир химия фани бўйича қўлланилаётган барча программа ва дарсликларни қайта кўриб чиқишга киришдик. 1964—1965 ўқув йилида ана шу программа ва дарсликлар нашрдан чиқади. Натижада 8 ва 11 йиллик мактаблар, техникумлар ва олий ўқув юртларидаги таълим-тарбия ишлари тағин ҳам яхшиланади.

— Мактабларнинг химия лабораторияларида қандай ўзгаришлар бўлади?

— Химияга бўлган меҳр-муҳаббатни умумий-таълим мактабларидан уйғотиш керак. Бунинг учун даставвал химия фанини яхши биладиган мутахассис ўқитувчилар керак бўлади, албатта. Шу нуқтаи назардан қараганда химия ва биология ўқитувчилари тайёрлаш ишига алоҳида аҳамият беришга тўғри келади.

Бизда тажрибали химия, биология ўқитувчилари кўп. Шуни ҳам айтиш керакки, мавжуд мактаб лабораторияларининг ҳаммасини ҳам керакли прибор, препарат, кўргазмали қурол ва бошқа воситалар билан тўла таъминланган деб бўлмайди. Шунинг учун мактаб лабораторияларини мумкин қадар тезроқ жиҳозлашга эришмоғимиз лозим.

— Химия ва биология ўқитувчилари малакасини ошириш учун қандай тадбирлар амалга оширилади?

— Республика, область ва шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида кўпгина химия ўқитувчилари тажриба орттирадилар. Биргина Тошкент область ўқитувчиларидан 300 киши ана шу малака ошириш институтларига қатнашади. Бу тадбир қисқа вақт ичида амалга оширилади.

— Қандай методик қўлланмалар чиқарилади?

— Шу йилнинг охирига қадар Р. Авезовнинг «Химия ажойиботлари», В. Н. Верховскийнинг «Химия экспериментида техника ва методика», Ж. Фаёзовнинг «Химия дарсининг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқлиги», С. В. Каровиннинг саккиз йиллик мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган «Ёш натуралистлар йўлдоши», Мамажоновнинг «Қишлоқ мактабларида агрохимия тўгараги» сингари методик қўлланмалари нашр этилади.

— Ўз тажрибаси билан намуна бўлаётган мактаблар иши ҳақида гапириб берсангиз?

— Никита Сергеевич Хрушчевнинг ставрополлик ёш деҳқонларнинг VIII слётига юборган табрик хатида: «Сизларга маслаҳат бериб шуни айтмоқчиманки, билимларни қунт билан эгалланг из, химияни ўрганингиз, фан муваффақиятлари ва илғорлар тажрибасини деҳқончиликда ва чорвачиликда кенг қўлланингиз, ўғитлардан, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларидан тўғри фойдаланишни ўрганиб олингиз» деган эди. Бу сўзлар областимизнинг ёш деҳқонларига ҳам тегишлидир. Тўғри, бизда ҳам юқори ҳосил олиб, ажойиб тажриба орттирган ишлаб чиқариш бригадалари кўплаб топилади. Янгийўлдаги Мичурин номли мактабнинг химия ўқитувчиси Ғ. Назиров, Чирчиқ шаҳридаги 54-мактабнинг тажрибали ўқитувчиси В. Амирхонов ўртоқлар раҳбарлигидаги ёш деҳқонлар ана шулар жумласидандир.

Ёшларни химия фанига бўлган қизиқишини уйғотиш ҳар жиҳатдан ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ. Шундай экан, ўқитувчи машғулот ўтганда уни кундалик ҳаёт билан боғлаб олиб бориши лозим. Шунингдек, ўтилган темаларга оид кинофильмлар кўрсатиш, тўгараклар ташкил этиш, химиявий кечалар, олимпиадалар ўтказиш, деворий газеталар чиқариб туриш мақсадга мувофиқдир.

ПЕШҚАДАМЛАР

Шомамат комбинат лабораторияси олдидан ўтаётиб янги анадиздан чиққан хомашёни беҳуда ташлаб юборилаётганлигини кўриб қолди. Бундоқ ўйлаб қаралса, арзимаган нарса, бир неча грамм суюқлик. Смена бошлиғи шундай ўтиб кетиши ҳам мумкин эди. Йўқ. Анализлар ҳар беш минутда ўтказилиб турса, саккиз соат ичида неча килограмм хомашё сарф бўлади? Граммлардан килограммлар ҳосил бўлади-ку, ахир, хаёлидан ўтказди у. Бу хомашёни яна қайта ишловга солиш керак.

Шомамат шулар ҳақида ўйлаб цех бошлиғи олдига кирди.

— Фикрингиз жуда ҳам тўғри, — унинг таклифини маъқуллади аммиак цехи бошлиғи Омон ака Илёсов.— Шундай қилсак, ҳар сменада 144 килограмм хомашёни тежаб қолар эканмиз. Бу билан ўғитлар таннархини яна ҳам арзонлаштириш, салмоғини ошириш мумкин.

Ш. Гадоев кабинетдан аста чиқиб цех томон йўл олди. Кристаллизаторлар барабани оҳиста айланяпти. Суюқ аммиак селитраси маълум температурада қайнаб кристалл ҳолга келаяпти. Аппаратчи Мария Базарова процесслларга кўз-қулоқ. У эритманинг бир меёрда берилишини кузатмоқда. Агрегатларни созламоқда. Барабандан чиқаётган сув ҳароратининг нормал бўлиши ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий ролни ўйнайди. Кристализатор барабанларида ҳарорат паст бўлган сари суюқ аммиак селитраси унга қалинроқ ёпишаверади, ишнинг унуми ошаверади.

Тайёр ўғит қуритгич барабанларидан чиққач, транспортёрлар ёрдамида қоплаш бўлимига ўтади. Бу ерда Ганзилла Габдураҳмонова уларни пешма-пеш қоғоз қопларига жойлаяпти. Машинист Баҳром Мўминов эса қопларни тикиб юк ортиш майдонидаги омборларга жўнатаяпти. Киши ларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ғайратлари зўр. Ҳамманинг дилида бир орзу — қишлоқ хўжалиги учун кўпроқ ўғит етказиб бериш иштиёқи жўш урояпти.

Шомамат Гадоев бошлиқ смена аъзолари КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларидан руҳланиб, ана шундай намунали меҳнат қилмоқдалар. Азаматлар етти йилликнинг олтинчи йилини яхши бошлашди. Ҳозиргача ойлик планларга қўшимча равишда юзлаб тонна сифатли ўғит ишлаб чиқарилиб, қишлоққа жўнатилди.

Шомамат Гадоев бошлиқ смена га коммунистик меҳнат коллективи деган фахрли ном берилгандан бери улар цехда пешқадамликни доимо қўлда сақлаб келмоқдалар. Кишиларнинг меҳнатга муносабатлари тубдан ўзгарди. Сменада меҳнат интизомини бузувчилар энди йўқ. Хиёл қалтисроқ қадам босилдими, дарҳол коллективнинг беш минутлик мажлисида шу кишининг хулқи-атвори муҳокама қилинади. Ҳар ким ўз ишини пухта билиши билан бир қаторда ҳамкасбларига ҳам ёрдамини аямайди. Ўтган йили аппаратчилар Маноп Абдураҳмонов ва Юлия Смирновалар индустриал техникумини муваффақиятли тамомладилар. Аппаратчилар Хусан Ирисметов ва Жуман Хожиназировлар эса ўн йиллик мактабни тамомлаб, шу кунларда олий ўқув юртларига кириш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Тажрибали машинист Рашид Раҳимбоев ҳозир Тошкент политехника институтининг кечки бўлимида ўз билимини оширмоқда.

— КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми биз химиклар олдига ҳам улкан вазифалар қўйди — дейди Ш. Гадоев. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш бир томондан бизга ҳам боғлиқдир. Биз ишлаб чиқараётган ўғитлар ҳосилдорликнинг олтин калити бўлади. Шунинг учун ҳам коллективимиз бу йил ўтган йилга нисбатан 20 процент кўп минерал ўғит ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Йиллик планни ҳам муддатидан олдин бажариш орзусидамиз. Шу кунларда цехимизда жўш урааётган меҳнат кўтаринкилиги бу мақсадга беками-кўст эришишимиздан дарак бераяпти.

Г. ЯСТРЕБОВ,
Чирчиқ электрохимия комбинати слесари.

ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ЯНГИЛИКЛАРИ

САККИЗ КУНДА УЙ ТАХТ

Совет Иттифоқида йирик панелли қурилиш тобора ривожланиб боряпти. 1964 йил бошларигача мамлакатда 300 га яқин йирик панелли уйсозлик заводлари мавжуд эди. Уларнинг умумий қуввати йилига 14 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой майдони тайёрлашга тенг эди.

Кўпгина бинокорлик ташкилотлари уйларни йирик элементлар — завод шароитида тайёрланган бутун бир хоналар, ҳатто квартиралардан йиғишмоқда. Москванинг янги Черёмушкасида худди шундай бир неча уйлар йиғилди. Уларнинг бири керамзитобетон элементларидан монтаж қилинган. Яна бир уй биноси эса вибропрокат темир-бетон панелларидан йиғилган.

Заводлар йирик блокларни қурилиш майдонига тўла пардозланган, ҳатто санитария ва электр техникаси жиҳозлари монтаж қилинган ҳолда етказиб бермоқдалар. Бинокорлар эса фақатгина элементларни бирбиригa улаш, электр тармоқларини ва иситиш трубаларини ўрнатиш, том устини ёпиш ишларини бажарадилар, холос. 100 та деталдан ташкил топган ана шундай ҳар бир уйни монтажчилар саккиз кунда қад кўтартиришяпти.

СЛЕСАРЬ ОБОГРЕЛОВ ТАКЛИФИ

Замонавий минора кранлари анча оғир юкларни тез кўтариш ва жойига қўйишга қодир бўлган қудратли агрегатлардир. Уларни қўлланиш туфайли уйларни айрим хона ва квартиралардан йиғиш имконияти туғилди. Аммо бу қудратли машиналар ишлаётган вақтда уй деталини жуда аниқлик билан белгиланган жойга қўйиш хусусиятига эга эмас. Шунинг учун ҳам монтажчи бино йиғилаётганда ҳар бир сантиметрни эмас, ҳатто миллиметрларни ҳам ҳисобга олиши керак.

Новосибирскдаги «СтройМеханизация» трестининг слесари Обогрелов кўтарма кранларини гидротушургичлар билан жиҳозлашни таклиф қилди. Бу унча катта бўлмаган цилиндр тепа томондаги халқаси билан кранининг илмоғига илинади. Цилиндрнинг ичида поршень ҳаракатланиб туради. Унинг штоги охирида илмоғи бор. Бу кран илмоғи ўрнини босади. Цилиндр ичига суюқ мой қуйилган, у махсус труба орқали поршеннинг ости ва уст қисмидаги бўшлиққа ўтиб туради.

Оғир деталь кран ёрдамида белгиланган жойга туширилади. Уни аниқ ва тез ўрнатиш муҳимдир. Энди бу муаммо жуда ўнғай ҳал бўлади. Кранчи бино деталини ўрнатилиши лозим бўлган жойдан бир неча сантиметр баландроққа ушлаб туради. Қолган ҳамма ишни монтажчининг ўзи қилади. У сим ёрдамида гидро тушургичдаги махсус трубани очади ва мой цилиндрнинг пастки қисмидан тепа қисмига оқиб ўтиб, поршенни секинлик билан пастга туширади ва бино детали зарур жойга аниқ қўйилади.

МЕТАЛЛСИЗ ИСИТИШ ПАНЕЛЛАРИ

Совет Иттифоқининг кўпгина шаҳарларида уй-жойларни иситишда чўян радиаторлар ўрнига бетон панелларидан мўваффақият билан фойдаланилмоқда. Бундай панеллар орасига бир неча қатор металл трубалари ўрнатилган. Улар қулай ва яхшидир. Лекин шунга қарамай бундай трубалар учун кўп миқдорда металл сарфланаяпти.

Совет тадқиқот институтларидан бири металл ишлатмасдан уйни иситадиган бетон панеллари конструкциясини ишлаб чиқди. Уларни тайёрлаш учун юксак сифатли цемент фойдаланилади. Бундай панеллар металл қолипларида қуйилади, уларнинг орасида иссиқ сув ўтиши учун зарур миқдорда тешиклар қолдирилади. Бу тешиклар эса иссиққа чидамли лаклар билан қопланади. Тажриба янги панеллар юксак техникаиқтисодий, эксплуатацион ва санитария-гигиена сифатларига эга эканлигини кўрсатди.

ЧОКСИЗ ПОЛЛАР

Москва, Саратов ва бошқа шаҳарларда олиб борилаётган қурилишларда поливинилацетат мастикаси деган сунъий материалдан чоксиз монолит поллар ётқизиш қўлланилабошланди. Бу мастика икки-уч қатлам ётқизилади. Албатта мастика қопламасининг қалин-юпқалиги бинонинг нимага мўлжалланганига боғлиқ. Уй-жойлар, шифохоналар, болалар боғча-яслилари, кутубхоналарда бундай қоплама қалинлиги 2,5—3 миллиметр бўлади. Кинотеатрлар, мактаблар, ошхоналар, клублар, уйларнинг вестибюлларн ва зинапоялари, шунингдек пол тез ейиладиган жойларда унинг қалинлиги 3,5-4 миллиметрни ташкил этади. Бундай поллар жуда текис, нафис ва ялтироқ бўлади.

ЁҒОЧ-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ

Темир-бетоннинг нималигини ҳатто болалар ҳам билишади. Ёғоч-бетон эса жуда кам кишига маълум. Бу янги қурилиш материалидир. Унинг фойдаси катта. Бундай деталларни ишлаб чиқариш учун ёғоч чиқиндиларидан фойдаланилади. Бундай чиқиндиларга антисептик составлар билан ишлов берилади. Сўнгра цемент қоришмаси билан аралаштириб, зарур бўлган буюм қолипланади.

Ёғоч ишлаш саноати ёғоч-бетон ишлаб чиқариш учун жуда кўп чиқиндилар беради. Майда-чуйда ёғочлар, пайраха, қипиқ, горбиль ва бошқалар шулар жумласидандир.

Сўнгги вақтларда ёғоч чиқиндиларидан ёғоч-бетон тайёрлашнинг бирқанча усуллари ўзлаштирилди. Киев темир-бетон конструкциялари заводида ёғоч-бетондан фойдаланиб тайёрланган панелларнинг тажриба партияси қурилишларга етказиб берилди. Бу янги материал анча мустаҳкам, иссиқликни кам ўтказади, олов ва совуққа бардошлидир. Ундан биноларнинг ҳар хил элементларини тайёрлашда мустақил фойдаланиш мумкин.

ЁРУҒИ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДЕРАЗА ОЙНАСИ

Одатда цехларнинг бир қаватли биноларини ёритиш учун фақатгина ойналар эмас, шу билан бирга том устига ёпилган ойнаворли фонарлар ҳам фойдаланилади. Аммо уларни ўрнатиш анча қимматга тушади.

Яқин вақт ичида цехларнинг деразаларига ёруғи йўналтирилган янги ойна солиш йўлга қўйилади. Бу ойнанинг ташқи томони вертикаль бўлиб, ички томони қисман қийшиқ бўлади. У ёруғлик нурини синдиради ва уни цехнинг ҳамма жойига узатиб беради. Бундай ойналар фойдаланганда иш жойларининг ёруғлиги 1,5 баравар ошади. Янги ойналар унчалик қиммат эмас.

БЕТОН РЕЗЕРВУАРЛАР

Краснодар ўлкасининг бинокорлари нефть ва нефть маҳсулотлари сақланадиган резервуарларни металл ўрнига темир-бетондан муваффақиятли қурмоқдалар. Бундай резервуарлар арматураси олдиндан таранг қилиб тортилган фундамент плиталари панеллари, колонна ва ёпилғилардан йиғилмоқда. 20 кишидан иборат бригада икки сменада ишлаб, 10 минг кубометр ёнилғи сиғадиган битта резервуарни монтаж қилиш учун саккиз иш куни сарфламоқда.

Резервуар элементлари 10 тоннагача юк кўтарадиган занжирли кран ёрдамида монтаж қилинади. (АПН)

НОВАТОРЛАР ТАКЛИФИ БИЛАН

ҲАР 3 СЕКУНТДА

Маълумки, тўқув станокларини мойлаш анча мураккаб иш. Оддий усулда қўл билан мойланса, мой ҳамиша ҳам керакли ерга суртилавермайди, деталлар тезда қуриб қолади, электр қуввати сарфи кўпаяди, асбоб-ускуналарни тез-тез ремонт қилишга тўғри келади. Булар ҳаммаси станокларнинг унумдорлигини маълум даражада пасайтиришга олиб келади.

Карабаново шаҳридаги II Интернационал номли ип-газлама комбинатининг рационализаторлари С. Карпов, С. Борисов, А. Гордов ва С. Колесниковлар «АТ—100—5М» тўқув станоги учун узел ва деталларга мойни марказлашган усулда тарқатиш йўлини топдилар. Резервуар рамасига ўрнатилган поршенли насос, дозатор ва мой ўтказиш системаси ёрдамида 3 секунд ичида ҳар бир деталга ёғ етказиб бериш мумкин. Комбинатдаги 3428 станокнинг ҳаммаси ана шундай мослама билан жиҳозланса, станоклар ҳар куни қўлда мойлаш учун 4 минут бекор туриши барҳам топади, тежалган вақт ҳисобидан ойига қўшимча 350 минг метр газлама тўқилади. Бу янгилик корхонага ҳар йили 43 ярим минг сўмлик иқтисодий тежам беради.

Станокларни марказлашган усулда мойлаш бошқа тўқимачилик корхоналарида ҳам кенг қўлланилса, катта иқтисодий фойда олинади.

МАШИНАЛАРНИ ГАРАНТИЯЛИ СОЗЛАШ

«Красний текстильщик» комбинатининг мастер ёрдамчилари А. Ганабов, В. Гаврилов ва С. Иноғлар асбоб-ускуналарнинг унумдорлигини оширишни таъминлайдиган қимматли ташаббус бошладилар. Улар тўқув станокларининг жорий ремонтини заправка қилишга тўхтатилган пайтда ўтказиб ускунанинг кейинги заправка пайтигача узлуксиз ва бенуқсон ишлашини гарантиялаб бермоқдалар. Новаторлар шу йўл билан станокларнинг созлаш учун тўхтаб туриш вақтини тенг баравар қисқартириш мажбуриятини олдилар.

Асбоб-ускуналарни гарантияли созлаш, уччала сменада ишчиларнинг меҳнатини мақсадга мувофиқ ташкил этиш туфайли комплект бу йил плиндан ташқари 4000 метрга яқин газлама ишлаб чиқаради.

Юқори Волга Халқ хўжалиги кенгаши ва Владимир ҳамда Кострома саноат областларининг касаба союзлари Совети янгилик ижодкорларини «РСФСР социалистик мусобақа аълочиси» значоги ва пул билан мукофотлади.

ЯНГИ ЎҒИТЛАР

УЧЛАМЧИ ФОСФАТ

Ленсовет номидаги Ленинград технология институти неорганик моддалар технологияси кафедрасида учламчи фосфат яратилди. Учламчи фосфат ўғити суперфосфатга қараганда уч баравар эффектли бўлиб, халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эгадир.

Учламчи фосфатда ўсимликлар учун озуқа бўлаолмовчи моддалар миқдори анча камайтирилган. Янги ўғитдан қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилади.

СЛАНЦДАН ЎҒИТ

Ленинград инженерлик-экономика институти коллективи сланецдан ўғит олиш мумкинлигини амалда исбот қилди.

Ҳар тонна сланецни қуруқ ҳайдаганда 400 килограммга яқин аммиак ҳосил бўлади. Бундан қишлоқ хўжалигининг нони бўлган кўплаб ўғит ишлаб чиқариш мумкин. Бу йўл билан олинадиган ўғитлар жуда арзонга тушади.

ҲОСИЛ ТЕЗ ЕТИЛАДИ

Хлоридальцийли хлорат препарати ўсимликлар ҳосили етиштириш даврини қисқартириш хоссасига эга эканлиги маълум бўлди. Янги препарат буғдойни муддатдан 10-15 кун илгари пишишига ёрдам беради. У картошкани тез етилишига ҳам ёрдам бериши билан бир қаторда, унда крахмал миқдорини оширади.

А. ҚУДРАТОВ, химия инженери.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ САМАРАСИ

ЯНГИБОЗОР, 27 февраль. (ЎзТАГ). Колхоз кассаси хўжалик экономикасининг, ундаги одамлар ҳаёти ва меҳнатининг энг яхши кўрсаткичидир. Колхоз кассаси тўлиб борар экан, демак хўжалик бадавлат бўлиб, меҳнаткашлар кўпроқ даромад оладиган бўлади.

Ҳар ойнинг бошида Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Политотдел» колхозининг кассасига аванс бериш учун камида 110-120 минг сўм пул тушади. Бу озмунча маблағ эмас. Кассир Михаил Хван колхозчилар билан тезроқ ҳисоб-китоб қилиш ва уларни шидан қолдирмаслик учун бригадаларга боради ва колхозчиларга тегишли пулни даланинг ўзида беради. Лўкорлар, пахтакорлар бирин-кетин ведомостга қўл қўйиб, пул оладилар. Ведомость — бу одамларнинг фаровонлиги қанчалик тез ўсиб бораётганлигини кўрсатувчи яққол далилдир.

Масалан, оддий колхозчи Никифор Пакнинг беш кишилик оиласининг даромадини олиб кўрайлик. Она аъзоларидан учтаси каноп етиштиради. Ўтган йили жамоат хўжалигида қилинган меҳнат эвазига 4.850 сўм даромад олинди. Аммо уларнинг бутун даромади шугина эмас.

Кўп тармоқли бой хўжалик бўлган «Политотдел» колхози умумий даромадлардан ижтимоий истеъмол фондини вужудга келтирди. Бу фондниг аҳамияти тўғрисида экономист Матвей Хван қуйидагиларни айтди:

— Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларидан олинаётган даромаднинг ўсиб бораётганлиги бўлинмас фондга ажратиладиган маблағларни тобора оширишга, шунингдек, ижтимоий истеъмол фондини тузишга имкон берди. Бу фонддан ўтган йили ҳар бир хонадон ўрта ҳисобда 93 сўм 10 тийинлик манфаат кўрди. Фондлар ўсиб, 1958 йилдагига нисбатан 54 баравар кўпайди ва ҳозир 136 минг сўмга етди. Бу маблағ нималарга сарфланади?

Боқча ва яслиларда болаларни бепул тарбиялаш, йил сайин 260 колхозчи дам оладиган дам олиш уйи харажатларини қоплаш, мамлакат курортлари ва санаторийларига бепул путевкалар бериш, кадрлар тайёрлаш, колхоз томонидан институт ва техникумларга ўқишга юборилган студентларга стипендия тўлаш учун сарфланади. Энг янги медицина аппаратлари билан жиҳозланган касалхона, туғруқхона, аптека меҳнаткашларга хизмат кўрсатиб келаяпти.

Шундай қилиб, Н. Пак оиласи асосий меҳнат ҳақига қўшимча суратда яна салкам юз сўм олди.

Колхозда шунча ҳақ оладиган оилалар оз эмас. Қайси бир уйга кирманг, ҳаммасида маъмурчилик. Ўтган йили ҳар бир колхозчи оиласининг ўртача бюджети 2.400 сўмни ташкил этди. Хўжалик ҳар бир меҳнат кунига 4 сўм 10 тийин ҳақ тўлади. Ишлайдиган бир кишининг ўртача иш ҳақи йилига 1.780 сўм бўлди.

Ҳалол меҳнат колхозчининг даромадини оширди. Уларнинг кўплари енгил автомобиль сотиб олган, поселкада 150 тадан ортиқ мотоцикл, бир мингдан кўп велосипед бор. Колхозчиларнинг маданий савияси ҳам тобора ўсмоқда. Колхоз аъзолари икки минг нусха газета ва журналларга обуна бўлдилар. Кечқурунлари уйларда тўрт юз телевизор ишлаб туради. Ҳар бир оилада газ, электр, водопровод бор. Кўп уйларга телефон ўтказилган.

Катта даромад — меҳнатни тўғри ташкил қилиш натижасидир. Одамларнинг моддий манфаатдорлигини оширишнинг, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тобора кўпайтиришнинг калити мана шунда. Бу хўжаликда меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш йўлга қўйилган.

Ҳалол меҳнат қилувчиларга кўпроқ ҳақ тўлаш колхозда муқаддас қоида бўлиб қолган. Бу қоида аванс бериш вақтидаёқ амалга оширилади. Шунинг учун ҳам, ўтган йили колхознинг ҳар бир аъзоси ўрта ҳисобда қарийб 300 центнердан каноп ва 60 центнердан пахта етиштирганлиги тасодифий бир ҳол эмас.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
2-БЕТ, 29 ФЕВРАЛЬ 1964 ЙИЛ.



Янгийўл шаҳридаги марказий нутубхона минглаб ўқувчиларга эга. Ишчилар, пахтакорлар ва ўқувчилар бўш вақтларини шу ерда ўтказадилар, маданий дам оладилар.

Суратда: нутубхона аъзолари КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми материалларини пропаганда қилувчи стендга қўйилган материаллар билан танишмоқдалар.

М. Комлев фотоси.

ФУРСАТ ҒАНИМАТ! БАҲОРГИ ЭКИШГА ҲАММА НАРСА ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛСИН!

ГАП ДЕСА ҚОП-ҚОП...

Бурунгиларнинг «гап деса қоп-қоп, иш деса Самарқандан топ» деган ибораси бор. Бу иборани Янгийўлдаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг раҳбарларига нисбатан ишлатса ҳам бўлади. Негаки, бу хўжаликда гап кўп-у, ишнинг мазаси йўқ.

Ремонт устахонаси дарвозаси ёнидаги қизил алвонга «Техникани чигит экиш кампаниясига тўла шайлайлик!» деган шиор ёзиб қўйилибди. Устахона ҳовлисига кириб ҳайрон қолдик, ҳовли тизза баравар лой. Бу ҳам майли-я, жамики қишлоқ хўжалиги машиналари, турли асбоб-ускуналар айқаш-уйқаш бўлиб, лойга беланиб ётибди. Устахона ҳовлисида иккитагина тайёр трактор турибди, холос.

— Тракторларимизни кўкламга шай қилиб бўлдик ҳисоб,— деди колхоз раиси ўртоқ П. Саулькин, — ремонт қилинмаган фақат бештагина «ДТ-24» трактори қолди.

Устахонани айланиб чиққанимиздан кейин, раиснинг ёлғон гапирганини сезиб қолдик. 58 та трактордан энди 17 таси тайёр қилинибди, холос. Раис айтгандай «фақат бештагина» эмас, тўққизта «ДТ-24» трактори бузилиб ётибди.

Шунингдек 12 та чигит экадиган сеялканинг атиги биттаси, 29 та культиваторнинг иккитаси, 10 та плугнинг еттитаси созланибди. Хўш, ўртоқ раис бунга нима дейсиз?!

Колхозда ремонт ишларининг ниҳоятда суст бораётганлигига энг асосий сабаб механизаторларга қулай шарт-шароитлар яратиб берилмаётганлигидадир. Улар ҳаммаёғи лой, ифлос жойда ишлашмоқда. Бунинг устига ремонтчиларнинг меҳнат ҳақи анчадан бери берилмай келинаётган экан. Бунинг сабабини ўртоқ Саулькиндан сўраган эдик, у шундай деди:

— Ремонтчиларнинг меҳнат ҳақини «Узсельхозтехника» район бирлашмаси беради.

— Улардан сизлар талаб қилиб турсанглар бўлмайдими? Ахир ремонтчи механизаторлар «Узсельхозтехника» ишчиси эмас, колхоз аъзоси-ку!

Саулькин ўринсиз баҳоналарни келтирди. Бошқаларни айблади.

Йўқ, ўртоқ Саулькин! Раҳбар деган бунақа бўлмайди. Раҳбар ҳар бир киши тўғрисида қайғириши, ҳар бир кишининг юрагига йўл топа олиши, ҳар бир кишини ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам моддий жиҳатдан рағбатлантиришга эришиши зарур!

Шунинг учун устахонадагилар ремонт ишларини жадаллаштириш тўғрисида дурустроқ ўйлашмапти ҳам. Ўртоқ Абдулла Олимовнинг трактори уч ойдан бери шу устахонада «дард чекиб» ётибди. Кўринишдан унинг тузалиб чиқишига ҳали бир қовун пишиғи борга ўхшайди. Ўртоқ Эрмат Нурматовнинг трактори ҳақида ҳам, бошқа тракторлар ҳақида ҳам шундай десак сира янглишмаймиз. Ахир навбаҳор келди-ку! Колхоз раҳбарлари кўклам нашидасини ҳис қилмаяптилар.

Хўжаликда бошқа ишлар ҳам ўлда-жўлда ётибди. Мана, далага маҳаллий ўғит ташишни олиб кўрайлик. Бош агроном ўртоқ А. Меҳралиевнинг таъбири билан айтганда «далаларга кам деганда 2300—2500 тонна гўнг ташиб чиқарилса, айни муддао бўлади». Хўш, шу кунгача қанча ташилибди? Энди 1400 тонна ташилибди. Бу ҳам бўлса биринчи участкадаги 3 та бригада даласига ташиб чиқарилган. Иккинчи участкадаги бригадаларга эса бирор килограмм ҳам маҳаллий ўғит чиқарилмаган. Бутун колхоз бўйича гўнг ташиш ишига ҳар куни атиги 2—3 та арава жалб қилинаяпти.

Маълумки, асл деҳқон ориқ ерни тўйдиришга жиддий эътибор беради. Йўқ, колхоз раҳбарларини бу нарса сира қизиқтирмас экан. Ўтган йили 4, 5, 9-бригадаларда гектар бошига атиги 18—19 центнердан ҳосил кўтарилди. Демак, шу бригадаларга кўпроқ маҳаллий ўғит ажратиш зарур. Лекин колхоз раиси ўртоқ Саулькин ҳам, бош агроном ўртоқ Меҳралиев ҳам бу тўғрида бош қотирмаётир. Ҳалол мазкур бригадаларда далага бирор килограмм ҳам гўнг ташиб чиқарилмаган.

Бегона ўт ҳосилнинг душмани эканлигини ҳар бир деҳқон яхши билади. Ишнинг кўзини биладиган деҳқон ёзда бегона ўтни йўқотиш билан овора бўлиб қолмаслик учун, баҳор чиқмасданоқ унинг илдизларини йиғиб-териб олишга бор кучини сарфлайди. Аммо бу колхоз раҳбарлари бегона ўт илдизларини йиғиштириб олиш тўғрисида ҳали ўйлаб кўришгани ҳам йўқ. Колхоз раисидан «илдизларни қачон териб оласизлар» деб сўраган эдик, у калтагина жавоб қилди:

— Илдиз теришми? Ўҳ-ў, унга ҳали вақт эрта. Чигит экишга бир-икки кун қолганда териб олсак ҳам бўлади.

Йўқ, бундай кайфият билан кўзланган маррага эришиб бўлмайди, ўртоқ Саулькин! Ахир сизлар «бу йил гектар бошига камида 26 центнердан хирмон кўтарамиз» деб сўз бергансизлар-ку! Ҳосилдорликни 1963 йилдагига нисбатан 2 центнерданга оширишнинг ўзи бўлмайди ахир. Техника ремонтини тезроқ тугаллаш, ерни тўйдириш, ариқ-зовурларни сув равон оқадиган қилиб тозалашга жиддийроқ эътибор бериш керак. Йўқса, бурноғи йиллардагидай ер чизиб қолишингиз мумкин.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» нинг мухбири.

ИЛҒОРЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИЛАР



Жамила МАМЕДОВА

Янгийўлдаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Даламизга баҳор келди. Ҳа демай чигит экиш ҳам бошланиб қолади. Утган йили катта-катта майдонларда гўза ўстириб, пахтадан мўл ҳосил етиштирган колхозчиларимиз етти йилликнинг олтинчи йилида ютуқларни мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар.

Колхоздаги каттадан-кичик — ҳамма мўл ҳосилга замин ҳозирланаётган шу кунларда экишни пухта тайёргарлик билан бошлашга ҳисса қўшиш учун курашмоқда. Мен ҳам КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларидан руҳланиб, мўл ҳосил учун кураш мусобақасига қўшилиб, меҳнат қилмоқдаман. Утган йили кўпминг килограммчилар сафида туриб, мавсумда 15 тонна пахта терган эдим. Бу йил ҳам ана шу ҳаракатга қўшиламан, бунинг учун аввало ерни экишга тайёрлаш, чигит экиш, ғўзани парвариш қилиш ишларида актив қатнашаман. Ҳар йилгидан ҳам самарали меҳнат қилишни ўзимнинг бурчим деб биламан.



Иброҳим ЛУТФУЛЛАЕВ,

Оққўрғондаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг звено бошлиғи

Ўтган йили звеномиз аъзолари фидокорона меҳнат қилиб ҳар гектар ердан 41 центнердан «оқ олтин» етиштирдилар.

Биз бунга қандай қилиб эришдик? Дастлаб шуни айтиш керакки, ерни экишга сифатли тайёрладик, ўғитга обдон тўйдирдик. Ариқ-зовурларни барвақт тозалаб қўйдик. Экишни ўз вақтида ўтказиб, барча майдонларда чигитни текис ундириб олиб ғўзани агротехника қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда парвариш қилдик. Шунинг учун ҳам ҳосил мўл бўлди.

Бу йил ҳам ҳосилдорликни ўтган йилгидан оширсак оширамизки, камайтирмаймиз. Бунинг учун пухта замин ҳозирлаб қўйдик десам бўлади. Еримиз кузда шудгор қилинган. Дала бошларига етарли миқдорда ўғит ташиб чиқарганмиз. Кунлар исиб, ҳаво жўнашиб кетиши билан ер текислаш, бороналашни бошлаб юборамиз. Уруғлик чигитни ҳам келтириб қўйганмиз. Техникамиз шай ҳолда. Фурсат келиши билан экишни тез ва сифатли ўтказиб олиш учун ҳамма имкониятга эгамиз.



Одилжон ҚОДИРОВ,

«Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчиси.

Машина деҳқон қаноти, унинг энг яқин йўлдоши. Буни бизнинг совхозимиз мисолида ҳам нўрса бўлади. Совхозимизда ерни экишга тайёрлашдан тортиб, пахта теримигача бўлган ишлар асосан механизмлар ёрдамида бажарилаяпти. Механик ҳайдовчиларимиз «зангори кема»ларни дадиллик билан бошқариб, ҳар йили мавсумда 80-100 тоннадан пахта термоқдалар.

Машина теримини муваффақиятли ўтказиш учун бу ишга эрта кузданоқ тайёргарлик кўриш керак. Ерга уруғ ташлаётганда, ғўзани парвариш қилаётганда машина теримини кўзлаб иш тутиш керак. Ана шундагина пахта очилганда машинани ишлатсангиз, у сизни уялтирмайди. Мен ўтган йили мавсумда 167 тонна пахта тердим. Бу йил янада унумли меҳнат қилиб, кўп пахта теришни кўнглимга тугиб қўйдим.

Ҳозир мен совхозимизнинг барча тракторчилари, механик-ҳайдовчилари қатори янги мавсумни бекамкўст кутиб олиш учун курашмоқдаман.

В. САЛОВ фотолари.

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Сал йилтираб офтоб чиқиши билан бутун дала-даштга жон киргандай, навбаҳор баралла қанот қоққандай бўлиб кетади. Дарҳақиқат ҳозир баҳор эшик қоқмоқда. Гўё деҳқонларни «ҳа бўл» дегандай шошириб эшик қоқмоқда.

Ўтган йили ўртоқ Ким Г. Е. раис бўлган «Партия XXII съезди» колхозида жуда қувончли, навбаҳор каби нашъали йил бўлди. Кўпдан бери план бажарилмаган бу колхозда катта ўзгариш юз берди. План оширибгина бажарилди. Бу ҳол фақат шу колхоз аъзоларинигина эмас, шу билан бирга ҳаммани хурсанд қилди. Ҳамма уларни ғалаба билан чин кўнгилдан табриклади. Яхши тилаклар тилади. Бу фақат қуруқ табрик эмас, янги ғалабаларга ундов, бу йилги ишларга муваффақият тилаш ҳам эди. Лекин ҳозир колхозда олиб борилаётган ишлар ҳеч кимни қаноатлантирмайди, колхоз раҳбарлари ҳали ҳам ўтган йилги ғалабалар ғаштини суриб юрганга ўхшайдилар. Улар ҳозир яхши тилаклар даражасида ишламаётирлар.

Колхозда техникани ремонтдан чиқариш муддати ҳам тамом бўлди, лекин ремонт ишлари ҳамон чала-чулпа. Колхоздаги 29 та чопиқ трактиридан 5 таси, 19 та сеялкадан 8 таси тайёр эмас. Плуг, зигзаг борона ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш тугалланмаган.

Бу колхозда гўнг, компост тайёрлаш тўғрисида жуда кўп гап бўлди. Режалар тузилди, бу ишни бажариш учун одамлар тайинланди, техника, транспорт воситалари ажратилди. Ўртоқ К. Пошшаев бошлиқ компост ва гўнг тайёрлаш бригадаси дастлаб ёмон ишламади. Пландаги 1500 тонна компостни тайёрлаш учун дастлаб қизғин киришилди. Ишлар равон ва бир меёрда кетди. Аммо 1100 тонна компост тайёр бўлгач ишлар бирдан бўшашиб кетди, кейинги вақтда эса бутунлай тўхтаб қолди.

Гўнг тайёрлашда ҳам худди шундай бўлди, 5000 тонна ўрнига 3884 тонна маҳаллий ўғит тайёрланиши билан иш таққа тўхтаб қолди. Ҳозир бу ишлар билан бирор киши ҳам шуғулланаётгани йўқ.

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети ўз қарорида бир қатор хўжаликларда, шу жумладан «Партия XXII съезди» колхозида ички ирригация тармоқларини тозалаш ишлари мутлақо қониқарсиз аҳволда эканлигини қайд қилиб ўтган эди. Шундан кейин ҳам бу соҳада ҳали жиддий бурилиш бўлгани йўқ. План бўйича 13 минг метр узунликдаги ариқ-зовурлардан шу кунгача бор йўғи 1500 метр тозаланган. Бунга сабаб колхоз правлениеси лозим бўлган ишчи кучларини сафарбар этмаганлигидир. Шу кунларда ишга яроқли 416 колхозчидан бор-йўғи 75—80 киши ариқ-зовур тозалашга қатнашмоқда. Ўртоқ Ким, ҳозирги вазият тезроқ ҳаракатингни қилиб қол, фурсатни қўлдан берма демоқда. Ўтган йилги эришилган ғалабани мустаҳкамлаб қолмоқчи бўлсанг шундай қил демоқда. Буни унутмаслик керак. Бу ишларни навбатга қўйиб бўлмайди.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.



Томи йўқ омборининг,
Атрофида девори йўқ.
Дарвоза бор, деб хотиржам, —
Қоровулнинг парвойи йўқ.



Тракторчи базадан —
Минерал ўғит олибди.
То колхозга келгунча,
Кузови бўш қолибди.

А. Холиқов чизган расмлар.

БИР БОШОҚ ДОН—БИР САВАТ НОН

Бу ҳикматли мақол заминида бир олам мазмун ётади. Ҳақиқатан ҳам дон, олтин бошоқлар — тўқлигимиз, бойлигимиздир. Партиямиз Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарорида ҳам **«Партия яқин йиллар ичида дон етиштиришни беш-етти миллиард пудга кўпайтириши, яъни 1970 йилга келиб ялпи дон ҳосилини 14-16 миллиард пудга етказишни энг зарур вазифа қилиб қўяди. Дон етиштиришни кўпайтириш — бутун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосидир»** деб кўрсатилган. Бу деган сўз мавжуд экин майдонларидан унумли фойдаланиб, мумкин қадар мўлқўл олтин бошоқлар яратиш, ғалла ҳосилдорлигини йил сайин ошириш керак, деган сўздир.

Мана, Бекободдаги 2-«Далварзин» совхозининг қир-адирлари. Кузда сифатли ҳайдалиб экилган уруғ аллақачон бош кўтарган, кўм-кўк майсага айланган. Уни комсомол-ёшлардан камол топган ғаллакорлар бригадаси аъзолари яратишган. Улар кеч кузда 702 гектар майдонни агротехника қоидаларига риоя қилиб ўз муддатида экишган эди. Буғдой ва арпа сепиш учун ажратилган ерлар аввал суғорилди. Ер етилгач, ҳар гектар майдонга 8-10 тоннадан чиринди гўнг ва 2-2,5 центнердан суперфосфат солиниб, чим қирқадиган плуг билан 22—25 сантиметр чуқурликда ҳайдалди. Бороналаш ҳам сифатли ўтказилди.

Ғаллакорлар уруғнинг серҳосил ва эртапишар навини танлаб экишди. Ҳар гектар ер ҳисобига 120—150 килограммдан «Безостая-1» буғдой ва «Каршинский» навли арпа уруғи сепишди. Уруғни 4—7 сантиметр чуқурликда экишга эътибор беришди. Дон барвақт туп олиб томир ёйди. Шу туфайли ҳозирги кунда бу майдонларда кўкариб турган майса сердон, бошоғи оғир ғалла етиштиришдан дарак бериб турибди.

— Биз, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Нажмиддин Қодиров, — ота-боболаримизнинг бир бошоқ дон—бир савати нон, деган ҳикматли сўзларини кўп эшитганмиз. Қанчалик мўлкўл олтин бошоқлар яратсак, шунчалик элимиз дастурхони учун тўкин-чочин ҳосил етиштириб берамиз. Бригадамиз бўйича бу йил гектаридан эртаги ва кечки бўлиб, 100 центнер дон етиштириш мажбуриятини олганмиз. Ҳамма кучни ана шу вазифамизни тўла адо этишга қаратганмиз. Эрта баҳордан ўрим-йиғимга ҳозирлик кўрамиз. Биз ғалла пишиб етилиши биланоқ ўриб олиб унинг ўрнига иккинчи экинни — кузги арпа, нўхат ва маккажўхори экамиз. Бунинг учун ғаллани ўришдан олдин пол марзаларини ҳамда ўқариқларни текислаймиз. Ҳосили йиғиштириб олинган майдонларни суғориб, етилди дегунча ҳайдаб, иккинчи экинни экаверамиз.

Ғаллакорлар бригадаси олинган мажбуриятни бажариш учун ҳамма тадбирларни кўраётир. Жумладан маккажўхорини экишдан олдин гектар ҳисобига 15 тоннадан гўнг, 50—60 килограммдан тайёрланган компост ҳамда 50—60 килограмм азот, 20 килограмм калий солинади. Сўнгра, ер 20-25 сантиметр чуқурликда ҳайдалиб борона қилинади. Уруғни экишда «СКГН-6», шунингдек, «СТВХ-4» сеялкаларидан фойдаланилади. Бу техникалар ремонтдан чиқариб тахт қилиб қўйилган.

Тажриба яхши озиқлантирилган маккажўхоридан юқори ҳосил кўтариш мумкинлигини кўрсатди. Шунга амал қилган бригада ёшлари қўшимча озиқлантириш тадбирларини ҳам белгилаб олишди. Бу йил азотнинг йиллик нормаси 130—180 килограмм, фосфорники 90 — 120 килограмм ва калийники 50 килограмм қилиб белгиланди.

Партия деҳқончиликни тобора ривожлантириш, айниқса дон етиштиришни экин майдонини кенгайтириш ҳисобига эмас, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайтириш зарурлигини жуда тўғри кўрсатиб берди. Совхоз ғаллакорлари партиямизнинг ана шу кўрсатмасига амал қилиб мавжуд майдонлардан унумли фойдаланиш йўлларини излаб топмоқдалар. Улар бу йил ғалла ҳосилдорлигини ошириш учун химия мўъжизаларидан — бўр, марганец, цинк сингари микроўғитлардан ҳам фойдаланишни мўлжаллаяптилар. Шундай қилиб, совхоз ғаллакорлари бу йил она-Ватан хирмонига гектаридан 40 центнердан буғдой, арпа, 60—70 центнердан маккажўхори дони етиштириш учун курашмоқдалар.

З. ОТАХОНОВ.

ЧОРВА ОЗУҚАСИНИ ТЕЖАБ САРФЛАЙЛИК

Чорва қишловини ўтказишда энг масъулиятли ва энг муҳим давр бўлган ҳозирги пайтда емхашак, айниқса, уни тежаб-тергаб сарфлаш катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. Шу кеча-кундузда бир килограмм озуқанинг ҳам нобуд бўлишига, талон-торож қилинишига ва сотилишига мутлақо йўл қўймаслик керак.

Областимиздаги кўпчилик хўжаликлар чорва озуқасини тежаб-тергаб сарфлашяпти, ҳар бир килограмм ем-хашакнинг қадрига етишяпти. Натижада ана шундай илғор хўжаликлар кўплаб гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришяпти. Масалан, Калинин бошқармасидаги «Узбекистон 40 йиллиги», Оҳунбобоев номли, Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Қизил туғ», Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги «Полярная звезда» ва Оққўрғон бошқармасидаги Киров номли колхозларни олиб кўрайлик. Бу хўжаликларнинг ҳаммасида ҳам жуда кўп миқдорда ем-хашак бор. Шундай бўлишига қарамай, улар ҳар бир бош қорамолга унинг эҳтиёжига яраша озуқа беришяпти, сарфланаётган ем-хашаклар эса ҳисоб-китоб қилиб борилаяпти, айниқса, озуқанинг нобуд бўлишига, талон-торож қилинишига сира йўл қўйилмаяпти. Афсуски, ҳамма жойда ҳам аҳвол ана шундай эмас. Кейинги пайтларда ем-хашакни сақлашда хўжасизлик қилиш, ҳатто унинг ўғирланишига йўл қўйиш фактлари аниқланди. Шундай кишилар ҳам борки, улар чорва озуқасини сотиш ҳисобига яшамоқдалар.

Бунга «Узглавзагот с к о т о о т-корм» область трестининг автобазаси мисол бўла олади. Автобаза шофери Жамол Маханов, Оржоникидзе посёлкасидаги бўрдоқичилик пунктининг склад мудири Абдулла Афандиев ва ездовой Ф. С. Лесничийлар ўзаро тил бириктириб Янгийўл пахта заводидан ташиб келтириладиган шелухани айрим шахсларга сотиш билан шуғулланганлар. Шелуха пунктга ҳисоб-китобсиз ташиб келтирилган. Заводдан чиқарилганида ва складга қабул қилинганида контроль қилинмаган. Ахир бўрдоқичилик пункти «Узглавзаготскототкорм»нинг (Тошкент область трести бошқарувчиси ўртоқ Саидкаров) шундай биқинида-ку. Трест раҳбарлари икки тоннадан кўпроқ шелуханинг ўғирланишига олиб келган бу кўзбўямачиликка панжа орасидан қараганлари ажабланарли бир ҳолдир.

Қимматли озуқаларни талон-торож қилган айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилдилар. Бекобод бошқармасидаги 1-«Далварзин» совхозининг отбоқари Карта Мамет ва сут соғувчиси Фотима Худойбердиева беда ва силосни ўғирлаган. Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги «Тошкент» наслчилик совхозида чўчқаларга бериладиган озуқалар миқдорини камайтириш ҳисобига арпа уни ўғирланганлиги аниқланди. Озуқа тарқатувчи Ф. Н. Ефимов ана шундай эгри ишга қўл урган.

Оққўрғондаги Алимкент бўрдоқичилик пунктида ҳам шундай аҳвол содир бўлган. Бу ерда қалбаки ведомостлар бўйича озуқалар чиқитга чиқариб юборилган. Шундай йўл билан 3200 килограмм шелуха, 347 килограмм шрот, 150 килограмм беда, 72 килограмм комбинациялаштирилган озуқалар чиқитга чиқарилган.

Бўка бошқармасидаги Ленин номли колхозда эса чўчқачилик фермасининг қоровули ва чўчқабоқарлар чорва озуқасини ўғирлаганлар. Текшириш натижасида чўчқабоқарлардан Житкова, Носкова, Мирқуловаларнинг уйидан 75 килограмм комбинациялаштирилган озуқалар, 15 килограмм нўхат, 50 килограмм арпа ва 150 килограмм маккажўхори дони топилди. Улар бу озуқалар билан ўз уйларида 4 та чўчқа ва 53 та товуқ боқишган.

Ўтакетган хўжасизлик фактлари Юқори Чирчиқ бошқармасидаги Жданов номли колхозда ҳам содир бўлган. Бу ерда қалбаки чиқитга чиқариб юборилган. Бу ерда бир ой ичида 28 та бузоқ нобуд бўлган. Айрим колхоз ва совхозларнинг фермаларида хусусий моллар хўжалик ёки давлат ҳисобига боқилаётганлиги аниқланди. Янгийўл бошқармасидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг бригадири Ю. Холмирзаев ўз сигирини колхознинг фермаси ҳисобидан боқтирган. «Қизил Октябрь» ва Карл Маркс номли колхозларнинг чорвачилик фермаларида узоқ вақт давомида саккиз бош хусусий қўй боқиб келинган. Шу бошқармадаги Оҳунбобоев номли колхоз фермасида хўжалик аъзоларининг олти бош қорамоли боқилган. «Чиноз» совхозининг 3-бўлими фермасида эса Янгийўл район коммунал хўжалигига қарашли от икки ой боқилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармаси, «Узглавзаготскотооткорм» область трести, ишлаб чиқариш бошқармалари ва партия комитетлари чорва озуқасини сарфлашга, ҳисоб-китоб ишларини яхшилашга жиддий эътибор беришлари керак. Ферма ва мол базаларида хўжасизликка бутунлай барҳам берилиши, чорвачилик фермаларининг ҳар бир ходимидан озуқаларни тежаб-тергаб сарфлаш ва чорванинг маҳсулдорлигига эришишни таъминлаш талаб этилиши лозим.

Чорва қишлови тугагунига қадар озуқаларнинг сарфланишини назорат қилиб бориш учун колхозларда ревизия комиссиясининг аъзолари, совхозларда эса ишчилар комитетининг аъзолари фермаларда қаттиқ контроль ўрнатишлари, жамоат тартибини сақлаш область бошқармасининг ходимлари чорва озуқасининг ўғирланиши ва ёмон сақланишига йўл қўймасликлари керак.

Қишлоқ касаба союз ва комсомол ташкилотлари жамоатчилик контролёрлари ҳамда дружиначилар кучи билан озуқаларнинг сарфланиши ва сақланишини мунтазам суратда текшириб туришни ташкил этишлари керак. Комсомол ташкилотлари ҳамма чорвачилик фермаларида комсомол прожекторларининг постларини тузишлари, шунингдек озуқа сарфланишини текшириш юзасидан махсус рейдлар ташкил қилишлари лозим.

Чорва озуқасини тежаш, ундан унумли фойдаланиш ҳозирги пайтда чорвадорларимизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.



Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Димитров номли колхоз аъзолари ўтган йили 7200 тонна силос, 15 тонна озуқа лавлаги ва бошқа кўплаб ем-хашак жамғаришган эди. Шунинг учун ҳам колхозда чорва қишлови яхши ўтаяпти. Суратда: молларга бериладиган дағал ем-хашак механизация воситасида майдаланмоқда.

Қ. Розиқов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ФЕРМАЛАРДАН ДАРАКЛАР

КАЛИНИН. Бошқармадаги «Қорасув» совхозининг 2-участкасидаги О. Пўлатов бошлиқ сут-товар фермаси коллективи бу йилги мавсумда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўлайтириш учун астойдил меҳнат қиляпти. Чорвачилик фермаси ўтган йили 190 бош соғин сигиридан планда белгиланган 58 тонна ўрнига 64,3 тонна сермой сут топшириб давлат планини анча ошириб адо этди. Ферма аъзолари янги йилда янги марралар сари интилаяптилар. Улар қора моллар сонини 600 га, шу жумладан соғин сигирлар сонини 320 га етказиш учун ғайрат кўрсатишаяпти. Боқимдаги говмишлардан жами 229 бош бузоқ олиш планлаштирилган. Январь ойи ичидаёқ сигирлардан 20 та соғлом бузоқ олинди.

Фермanинг моҳир сут соғувчилари ҳам ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишаяпти. Улар мавсумда 430 тонна сут соғиб олиш учун курашаяптилар.

Ф. РИХСИЕВ,
Н. СОБИРОВ.

ЯНГИЙЎЛ. Киров номли колхознинг Одил ака Эрматов бошлиқ сут-товар фермасида меҳнат ўзаро мусобақа асосида ташкил этилган. Илғор сут соғувчилар Сора опа Каримова, Ўғилой Шербоева, Гуласой Фармонова-лар ўз боқимларидаги сигирлардан мўлжалдагидан анча кўп сут соғиб олиш учун курашиб, ҳозирдан яхши натижаларга эришаяптилар. Мусобақадошлар ўртасида айниқса Сора опа намуна кўрсатаяпти. У ўзига бириктирилган 18 бош сигирнинг ҳар биридан кунда 8—9 литрга етказиб сердён сут соғиб олаяпти.

— Сигирнинг сути тилида,—дейди моҳир сут соғувчи. Агар сигирлар тўйдириб боқилса, уларнинг сути кўпаяверади.

Сора опа ўз боқимидаги сигирларга кунда 30 килограммдан силос, 8 килограммдан беда, 2 килограммдан кунжара ва бошқа ширали озуқалар бериб боқаяпти. Унинг дугоналари ҳам шу йўлдан боришаяпти.

Мусобақадошлар мавсумда ўз боқимларидаги соғин сигирлардан жами 45 тоннадан сут соғиб топширишга аҳд қилишган. Бу ҳар бир соғин сигир ҳисобига йиллик кўрсаткич ўртача 1800—2000 литр ва ундан ҳам кўпроқни ташкил қилади деган гап.

Т. ИМОМОВ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

БМТДА МУҲОКАМА ҚИЛИШГА АРЗИЙДИ

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ МАКТУБИГА НЕПАЛ КОРОЛИНИНГ ЖАВОБИ

МОСКВА, 27 февраль. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг 1963 йил 31 декабрдаги мактубига Непал короли Махендранинг жавобида бундай дейилади: Низоларни, шу жумладан территория низоларини ҳал этиш вақтида куч ишлатишдан қатъиян воз кечиш ва шу мақсадда тинч воситалардан фойдаланиш, сиёсатимизнинг асосий қисмларидан биридир. Непал короли яна қуйидагиларни ёзади: «уруш келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар ҳақидаги тарихий тахлилингиз ва территория низолари ҳам уруш хавфини туғдирадиган жиддий сабаб бўлиши мумкин эканлиги тўғрисида донолик билан чиқарган хулосангиз (биз бунга умуман қўшиламиз) муносабати билан биз ана шу принципларни мустаҳкамлаб ривожлантира оладиган ҳамда бу хавфни йўқота оладиган ҳар қандай қадамни табриклаймиз».

Сўнгра Непал королининг жавобида бундай дейилади: Н. С. Хрушчевнинг мактубида территория ва чегара низоларини ҳал этиш учун куч ишлатишдан воз кечиш юзасидан халқаро битим тузиш ҳақида илгари сурилган таклиф урушни келтириб чиқарадиган хавф-хатарлардан бирини йўқотишга қаратилган бўлиб, урушга тамомила барҳам бериш ҳамда тинчликни сақлаш йўлидаги ҳаракатга кучли мадад беради.

Непал королининг фикрича, бу масаланинг нўлами, аҳамияти ва муҳимлиги шундай хулосага олиб келадики, бу масала Бирлашган Миллатлар Ташкилоти форумида гина муваффақиятли ҳал этилиши мумкин ва Совет ҳукумати бошлиғининг мактубида таклиф этилган принципларни ўз ичига оладиган декларация Ассамблеянинг резолюцияси шаклида бемалол қабул қилиниши мумкин.

Кескинликни юмшатиш мақсадида

ҒАРБИЙ БЕРЛИН, 27 февраль. (ТАСС). Бу ерда «Немисларнинг учрашувларига кўмаклашиш комитети» тузилди.

Комитет аъзолари жамоатчиликка қарата мурожаат чиқардилар. Бу мурожаатда улар кескинликни юмшатишга, ҳар иккала герман давлати ўртасида ҳамжиҳатлик ва яқинлик вужудга келтиришга ва Ғарбий Берлинга муносабатларда ҳамжиҳатлик ўрнатишга ўзларининг кўмаклашиш ниятида эканликларини айтдилар. Комитет, дейилади мурожаатда, қуролсизланиш ва Германиянинг парчаланганлигини аста-секин йўқотиш йўлидаги ҳаракатларнинг ҳаммасини қувватлайди.



Жанубий Словакияда мамлакатда биринчи атом электр станцияси қурилмоқда. Ҳозир унинг марказий биноси қад кўтарялпти. Шу йилнинг сентябрь ойи охирига бориб машина асбоб-ускуналарини ўрнатиш тугалланади. Суратда: атом электр станциясининг қурилиши.

ЧТК—ТАСС фотоси.

БОЛГАРИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

СОФИЯ, 27 февраль. (ТАСС). Кеча Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Григоровнинг Т. Живков бошчилигидаги партия-ҳукумат делегациясининг СССРга қилган визити тўғрисидаги ахбороти тингланди. Пленум тегишли қарор қабул қилди. Пленум делегациянинг фаолиятини тўла маъқуллади ва Болгария-Совет баёнотини катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат, деб баҳолади.

Бу баёнот Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликнинг ривожланишини янги, янада юксак босқичга кўтаради.

Пленумнинг қарорида таъкидланадики, Болгария Коммунистик партияси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини халқаро коммунистик ҳаракатнинг ҳамма томонидан эътироф этилган авангарди ҳамда ижодий марксизм-ленинизмнинг байроқдори деб доимо ҳисоблаб келди ва бугунги кунда ҳам ҳисоблаб келади.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига табрик хатини яқдиллик билан қабул қилди.

ҚОТИЛ ОҚЛАНДИ

БОНН, 28 февраль. (ТАСС). Кемптендаги суд (Германия Федератив Республикаси) ҳарбий жиноятчи, гитлерчилар вермахтининг собиқ оберфельдфебели Шереринг ишини уч ҳафта кўрганидан кейин ўзининг сурбетлиги жиҳатидан мисли бўлмаган қарор чиқарди.

Суд тинч совет гражданларидан «камида» 15 кишини ўлдирган бу жаллод устига қўйилган айбни олиб ташлаб, уни оқлади. Бу жиноят уруш йилларида Брянск шаҳри районида қилинган эди.

Суд мисли бўлмаган бу қарорни исботламоқ учун Шерер совет гражданларини «ўз ташаббуси билан эмас, балки командирнинг буйруғи билан» ўлдирган, деб важ кўрсатди.

Нацист қотилни оқлаб ҳукм чиқарилганлиги Бонн юстицияси мудҳиш жиноятлар қилган кишиларни оқлаш учун ўзининг кучини аямаётганлигини кўрсатувчи яна бир мисол бўлди.

Жонсон нутқи

ВАШИНГТОН, 27 февраль. (ТАСС). АҚШ президенти Линдон Жонсон кеча радио ва телевидение орқали сўзга чиқиб, корпорациялардан олинадиган солиқларни ва даромад солигини ҳаммаси бўлиб 11,5 миллиард доллар камайтириш тўғрисидаги қонунни имзоланганлигини маълум қилди. Солиқларни камайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси марҳум президент Жон Кеннеди томонидан тақдим қилинган бўлиб, уни вакиллар палатаси билан сенат шу ҳафтада маъқуллаган эди.

Линдон Жонсон қабул қилинган қонунга иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ экономикасини ривожлантириш учун кўрилган энг муҳим чора, деб баҳо берди.

ТУЛСИ ГИРИ — НЕПАЛ БОШ МИНИСТРИ

ПАРИЖ, 27 февраль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги расмий ахборотга асосланиб хабар беради: Непал короли Махендра Тулси Гирини бош министр қилиб тайинлади. У король саройи министри лавозимини ҳам сақлаб қолади. Гири бетоблиги сабабли ўтган йилнинг декабрь ойида бош министр лавозимидан истеъфо берган эди.

Киртинидхи Биста ташқи ишлар министри бўлиб қолади.

ЕТТИ СОАТ ЕР ТАГИДА

Бу воқеа Ставрополь ўлкасининг Карачаево-Черкесск автоном областидаги Псаучье-Дахе овулида рўй берди.

Ака-ука Унарановлар — Ойса билан Мусса қудуқни тозалашаётган эди. Мусса қудуқнинг ичида турибди ва шағалга челакни тўлдириб бераётган, Ойса бўлса уни тортиб олаётган эди. Иш охирлашиб қолган эди. Шунда челак тўсатдан қудуқ деворига урилиб кетди. Пастга тош, унинг нетидан эса бутун қудуқ девори ўпирилиб тушиб кетди. Мусса қудуқда нўмилиб қолди.

Ҳаяжонда қолган қўни-қўшнилар тез тўпланишиб қудуқни қазий бошладилар. Бироқ иш жуда секин борар, қош қорайиб қолаётган эди. Черкесск область марказига телефон қилишди. У ердан тезда скрепер етиб келди.

Тупроқ қатламини анча вақт олишга тўғри келди. Моторни ишга туширишди. Ҳамма ер қаъридан чиқан паст овозни эшитди. Ҳайрият, ҳаёт экан! Энди скрепер билан ишлаш хавфли эди. Белкуракларни ишга солишди. Муссани ҳаёт ва шикастсиз кўришгунча қудуқни етти соат қазишибди.

Маълум бўлишича, бу бақувват ва жасур киши шу вақт ичида ер тагида ўнг қўлини боши устига қайиргач ҳолда тураверибди. Бу қўли билан у сўнгги челакни кўтаришга ёрдамлашган эди. Қулаб тушаётган тошга у шу алпозда дуч келган ва қўли унинг бошини тош зарбидан сақлаб қолган.

А. НАЙМАНОВ.

(«Сельская жизнь»дан)

АЖОЙИБ ОПЕРАЦИЯ

НЬЮ-ЙОРК, 26 февраль. (ТАСС). Яқинда Эквадорда Гуаякиль шаҳар клиникасида галати операция қилинди. 28 ёшлик денгизчи Хулио Лунага бегона одамнинг ўнг қўли ва чап қўлининг панжаси тикиб қўйилди. Хулио Лунанинг ўз қўлини тасодифан портлаган граната узиб юборган эди. Уни клиникага олиб келишганда клиниканинг бош хирурги доктор Роберто Гилберт ғайри-табиий операция қилишга — ўлган одамнинг қўларини тирик одамга кўчириб тикишга қарор қилди.

Операциядан 15 соат кейин Хулио Луна тикиб қўйилган қўлининг бармоқларини қимирлатди. Ҳозир бемор ўзини яхши ҳис қилмоқда, деб хабар беради американлик мутахассислар. Қон томирлардан бемалол ўтмоқда.

Колхозда катта концерт

Яқиндагина Ватанимиз пойтахти Москва меҳнаткашларининг мақтов ва олқишига сазовор бўлиб қайтган Муқимий номли ўзбек давлат музикали драма ва комедия театрининг артистлари шу кунларда ҳисобот концертлари бермоқдалар.

Театрнинг бир группа етакчи артистлари ва талантли ёшлари Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Фрунзе номли колхозда катта концерт қўйиб бердилар.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ИЛК БАҲОР САЙЛИ

Шанба куни ишингизни тамом қилдингиз-у, Тошкент овчилар ва балиқчилар жамиятидан олган йўлланмангиз билан Арнасой кўлларига ўрдак овига келдингиз...

Шеригингиз билан икки кишилик қайиққа тушиб олгансиз. Кечқурун тайёрлаган гизангиз томон навбатма-навбат эшкак эшиб кетялсиз. Ҳали тонг отишига бир-икки соат бор. Фақат илк тонгда пайдо бўлган шабада ўтларни шитирлатяпти-ю ора-сира қўлбуқаларнинг баҳорги «бўкириши» эшитилялпти, холос.

Мана сизнинг гизангиз. Резинка ўрдакларингизни пуфлаб сувга қўйиб юбордингиз. Энди тезроқ жойлашинг. Гира-шира ҳам бўлиб қолди. Устингиздан учиб ўтаётган ўрдакларнинг ўзини қўрмасангиз ҳам овозларини эшитялсиз. Бирдан рўпарангизга сиз томон яқинлашаётган иккита чурраккa кўзингиз тушди. Қани, тезроқ мўлжалга олинг!.. Аттанг!.. қоронғилик қилиб қолди шекилли, ёки юрагингиз гупуллади-ми мўлжалингиз хато чиқди. Майли, яна тезроқ ўқланг! Сизга насиб қилгани ўзи учиб келади.

Резинка ўрдакларингиз орасига, ўқлаш билан овора эканлигингизни сезгандек битта қоп-қора қашқолдоқ қўнди. Йўқ, яна мўлжалламанг. Яна ўзингизнинг резинка чуррагингизни отиб қўйишингиз мумкин. «Меҳмонингизни» кўрган бошқа ўрдаклар унинг ёнига қўнишади. Ундан ташқари сувдаги ўрдакни отишнинг унча гашти йўқ. Учиб келаётганини «чархи-палак» қилиб туширсангиз бошқа гап.

Сиздан нарироқдаги гизадан ўртағингизни кетма-кет узган ўқдан бўйни духобасимон иккита зангори ўрдак ўз галасидан ажралиб нилуфар барглари орасига шалоплаб тушди. Шеригингизнинг омадига хурсандсиз, аммо ростини айтганда, сиздан олдинроқ ўлжага эга бўлганлигидан бироз рашкингиз ҳам келяпти.

Мана, ўртоғингизга ҳавасингиз келмасин дебми, битта дайди, макиён қидириб юрган чуррак сиз томон учиб келяпти. Бу сафар ўқингиз чакки кетмади. Яширин қўйган қайиғингизнинг ўртасига попиллаб тушди. Бу ўлжангиз унча катта бўлмаса ҳам умрбод ёдингизда қолади. Наҳотки, бунақа илк баҳор тонгини табиат оғушида қутиб олишингиз ва биринчи ўлжангизнинг шалоплаб сувга тушишидаги ҳаяжонланишингиз ёдингиздан чиқса?..

Шарқдан катта гулхандек кўтарилган қуёш қаъмишзор ораларидан кўллар сатҳига ярқираб нур сочаоошлиди. Гала-гала бўлиб шимол томон ўтиб олган ўрдак ва ғозларнинг ғувур-ғувур шовқини эшитилялпти. Мана, кўлнинг очиқ сатҳига, Ватанимизнинг жанубий ҳаво чегараларини «бузиб» тог ва сахроларни ҳаво йўли билан босиб келган катта бигиз думлик ўрдаклар галаси дам олиш учун қўнди.

Устингиздан тинимсиз ўтаётган чурғучуқ, қизилтўш ва сариқ чумчуқлар галаларини кузаталясиз... Улардан ҳам баландроқда тизилишган турналар парвоз қилмоқда.

Мунгли овоз билан балиқ овлаётган оқ балиқчи қушларнинг ғашини келтириш учунми, ё ўзини уларга кўз-кўз қилиш учунми, зогора ва товон балиқлар тилла ва кумушсимон таначаларини қуёш нурида ярақлатиб яна сувга шўнғишялпти.

Қуёш баланд кўтарилди. Энди овни тамом қилсангиз ҳам бўлади. Беподён чўллар мадҳиячиси суфитўғрай кўкаламзорлар устида ўзингиз жарангларган куйини бошлади. Бу сизга худди илк баҳорни ва кўл ҳамда дарёларимизга келган ўрдак, ғоз ва турна карвонларини табриклагандай туюлади. Қани энди қайтингизга ўтиринг-у, соҳилга чиқиб гулхан ёқиб қумғонни осинг. Дўстларингиз йиғилгунча атрофингиздаги гуллардан гулдаста ҳам ясашингиз мумкин.

Гулингизни умр йўлдошингизга 8-Март муносабати билан олгач совғангизга қўшиб тақдим этсангиз қандай яхши. Гуллар орасида беқиниб ётган сахро оқ замбуруғи ва қўзиқоринлардан тўрвангизни тўлдириш ҳам мумкин.

Хотин-қизлар байрами шарафига ясатилган столга олиб келган ғозу-ўрдаклардан жаркоп қилинса, унда сардак ҳисобида қовурилган қўзиқорин қандай лаззатли. Сиз келтирган гулдаста эса стол ўртасида ҳушбўй ҳид таратиб, уйни яшнатиб юборади.

Эҳтимол сиз ишлаётган коллективда ов ишқибозлари кўп эмасдир. У ҳолда ҳамкасбларингиз ва бола-чақангиз билан фақат қўзиқорин теришга Ченгелди, Дарвоза ё Етти-сой томон сайлга чиқинг.

Юраги бақувват кишилар тоғу-адирларга кўтарилгани яна яхши.

Яна овчилар учун охирги маслаҳат: баҳорги ўрдак отиш 15 мартгача рухсат этилган. Овга катта қоп олиб бора кўрманг. Фақат 10 ўрдак ва битта ғоз овлашингиз мумкин. Қаерга бориш, қаерда ўрдак кўпроқ эканини билиш, ўзингизга ҳамроҳ топиш ва овчилик билетингизга пропуска олиш учун Карл Маркс кўчасидаги 39-уйга, ёки Олой бозори яқинидаги овчилар магазинига келинг.

Ҳуллас, сумкангизни ов паррандасига тўлдирасизми, ёки қўзиқорин терасизми, ё гуллар билан қайтасизми, витаминли сомса учун ариқлар бўйидан ялпиз, жағ-жағ ва кўк беда барглариии терасизми, қандай бўлмасин энг асосийси — кўклам соф ҳавосидан баҳра олиб бардам бўлиб қайтасиз.

Сафарга чиқувчиларга оқ йўл тилаймиз.

Ғ. ЖЎРАЕВ, овчи.

„ПАХТАКОР" МАВСУМГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Минг-минглаб футбол шинавандалари орзиқиб кутаётган биринчи матч ва ишқибозларга таниш бўлган шўх марш садолари янграшига оз қолди. Бугунги бўм—бўш стадионлар эрта-индин ишқибозлар билан тўлади. Мамлакат XXVI чемпионати бошланади.

Мавсумни пухта тайёргарлик билан кутиб олиш иштиёқида барча командалар қатори «Пахтакор» футболчилари ҳам машқларни анча барвақт бошлаб юборган эдилар. Яқинда биз команданинг бир кунги тренировкасини томоша қилдик. Команданинг янги старший тренери Александр Кузьмич Абрамов ва футболчилар билан суҳбатлашдик.

...Футболчилар саф тортдилар. Жисмоний тарбия тренери Ю. Шоломицкий машғулотларни бошлаб юборди. Енгил разминкадан кейин йигитлар жисмоний машқ бажаришга киришдилар. 50 метрлик зални бир неча марта югуриб ўтганларидан сўнг, икки группага бўлиниб баскетбол ўйнай бошладилар. Мана, ҳар сафар рақиб дарвозабонини талвасага солиб, ҳимоячиларга хавф туғдирадиган Г. Красницкий осонлик билан қарши шчитга кетма-кет тўп ташлади. С. Стадник эса ҳимояда ўйнаяпти. Футболчилар бир зумда роса терга ботдилар. Сўнгра 3 метр оралатиб қўйилган тўсиқлардан осонлик билан сакрай бошладилар. Йигитлар тренернинг ҳар бир кўрсатмасини ўринли бажардилар.

Фурсатдан фойдаланиб, тренер Александр Кузьмич Абрамовга бир неча савол билан мурожаат қилдик:

Савол — Ўтган йили «Пахтакор» команданси муваффақиятсизликка учрашининг асосий сабабларидан бири ҳимоячиларимизнинг бўшлигида ва уларни тез-тез алмаштириб турилганлигида бўлди. Сиз ҳимояни кучайтириш учун нималар қилаяпсиз ва бу линияга кимларни қўймоқчисиз?

Жавоб — Тўғри, мустаҳкам ҳимоясиз ғалаба қилиб бўлмайди. Ҳужум ҳар қанчалик кучли бўлмасин ҳимоячилар ўз олдиларига қўйган вазифани бажара олмасалар мақсадга эришиш қийин. Армия спорт клуби (Ростов-Дон) командасининг ҳимоячиси В. Медведев командамизга қабул қилинди. Ўтган йилги хатоларига тўла тушуниб олган, ўртоқлари ёнига қайтган О. Моторин тренировкаларни бошлаб юборди. Шунингдек, Қарағанданинг «Шахтер» командасидан келган В. Науменко ҳам «Пахтакор»да ўйнаш истагини билдирди. В. Науменко бундан аввал Тошкентнинг «Старт» ва Тошкент областининг «Политотдел» командасида ўйнаган эди. Ҳозирда 8 ҳимоячига эгамиз. Уларнинг қайбири асосий составдан ўрин олиши ўқув тренировка йиғилишларидан кейин маълум бўлади. Бу—футбол қонуни.

Савол — Кўпгина мутахассислар «Пахтакор»ни кўпроқ ҳимоя вариантини қўллайдиган командалар қаторига киритиб қўядилар. Сиз ана шу масалада қандай фикрдасиз?

Жавоб — Бу саволингизга жавоб беришдан олдин команда аъзоларининг кучи ва маҳоратини ҳисобга олган ҳолда бирор фикр айтиш керак. Ҳар ҳолда биз ҳимояга тўрт ўйинчидан ортиқ кучни ташламоқчи эмасмиз. Ўз кучимизга ва рақибимизнинг майдонда эгаллаган ўрнига қараб 1+4+2+4 ва 1+4+3+3 схемасини қўлламоқчимиз. Такрор айтаманки, бу схема майдонга тушганда рақибнинг режасига қараб қўлланилади.

Мавсум олдидан сўнгги тайёргарликни ва асосий репетиция ҳисобланган контроль учрашувларни ўтказиш мақсадида «Пахтакор» командаси Самарқандга жўнаб кетди. Улар бу ерда 11 мартгача мавсумга тайёрланадилар, ўқув-тренировка йиғилишини ўтказадилар. Куйбишевнинг «Крилья Советов», Донецкнинг «Шахтер», Новосибирскнинг Армия спорт клуби командалари ҳам Самарқандда тренировка ўтказадилар. Ана шу командалар билан бир неча контроль учрашувлари ўтказиш планлаштирилган. Бу учрашувлардан сўнг асосий составда кимлар ўйнаши аниқлаб олинади.

СССР футбол федерацияси мавсум календарини тузиб чиқди. «Пахтакор» иккинчи лиганинг биринчи группасида мусобақалашади. Бу группадаги командаларни кучсиз деб бўлмайди. Одессанинг «Черноморец», Краснодарнинг «Кубань», Челябинскнинг «Локомотив» командалари ўтган йили ҳам тактик, ҳам техник жиҳатдан энг зўр командалардан қолиш масликларини кўрсатдилар.

Шунга қарамай пахтакорчилар мавсум учрашувларини юқори савияда ўтказиш ва ўтган йилги догни ювиб, ишқибозлар ишончини оқлаш ниятидалар.


Кези келганда команданинг янги тренери билан ишқибозларни таништириб ўтайлик.

Александр Кузьмич 1928 йилдан бошлаб мастерлар командаси составида ўйнай бошлади. 1939 йилдан эса тренерлик ишига ўтди. А. Абрамов 1963 йилга қадар Москва ва Куйбишев шаҳарларининг «Крилья Советов», Волгограднинг «Трактор», Ленинграднинг «Меҳнат резервлари» командаларида тренер бўлиб ишлади. Ўртоқ Абрамов Москвадаги тренерлар олий мактабини битирган малакали мутахассисдир.

— Диққат! Марказий «Пахтакор» стадиони радиоузелидан гапирамиз. Бугун стадионимизда мамлакат биринчилиги учун... Дикторнинг таниш овози эшитилишига бир ойдан сал ортиқроқ вақт қолди. Бугун эса командалар бўлажак олишувларга сўнгги тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.





Суратларда: (чапда) марказий ҳужумчи Г. Красницкий боши билан зарба беришни машқ қилмоқда. (ўртада) Футболчиларнинг тренировкасига баскетбол ўйини ҳам киритилган. (Ўнгда) Таништинг: команданинг янги старший тренери, РСФСР да хизмат кўрсатган тренер ўртоқ А. К. Абрамов.

М. Нуриддинов фотолари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

29 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Концерт** (Успенский номли музика мактаби ўқувчилари ижросида).

Ўзбек тилида: 17.40 — **Телевизион янгиликлар**, 17.55 — **Совет Узбекистони** киножурнали, 18.05— **Ёзиш учун куйлар**, 18.15 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи**. 18.55 — **Эшиттиришлар программаси**.

Рус тилида: 19.00 — **Телевизион янгиликлар**, 19.15 — Средазвидение. **Каспийдан Тянь-Шангача** (телевизион журнал). 19.40 — **Жонажон ўлкам, Узбекистон**, 20.05 — **Россия юлдузлари** (ҳужжатли фильм), 20.55 — **Чет эл кинохроникаси**, 21.05— **Гангстерлар ва филантроплар** (киноком е д и я). 22.30—**Марк Бернес** («Севимли киноартистлар» циклидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Сув спорти саройининг очилиши** (репортаж).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/II да **Чио-Чио-Сан**, 1/III да кундуз **Севилья сартароши**, кечқурун **Риголетто**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/II да **Имон**, 1/III да кундуз **Фурқат**, кечқурун **Қонли сароб**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/II да **Нурхон**.

КИНО

Тириклар ва ўликлар — «ВАТАН», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Зелёнайдаги данғиллама уй— НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Бугун ва ҳар куни

ЛИЛИПУТЛАР

МУЗИКАЛИ АТТРАКЦИОНИ

ва янги программада

ЦИРК ТОМОШАЛАРИ.

Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Якшанба куни 3 марта томоша кўрсатилади.

КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг қарорларини амалга оширамиз!

УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ КИНЕМАТОГРАФИЯ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ, УЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШ МИНИСТРЛИГИ ҲАМДА УЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ «БИЛИМ РЕСПУБЛИКА ЖАМИЯТИ БИЛАН БИРГАЛИКДА

шу йил 1 майгача

қишлоқ хўжалик фильмлари

РЕСПУБЛИКА

ФЕСТИВАЛИНИ

УТКАЗАДИЛАР

Фестивалдан мақсад — кўклам қишлоқ хўжалик ишларини энг яхши муддатларда ўтказишда қишлоқ хўжалик ходимларига ёрдам беришдир.

Фестиваль даврида давлат, касаба союз ва идора киноустановкаларида қишлоқ хўжалигини интенсивлаш ва химияни қўлланиш ҳақида ҳикоя қилувчи, пахта, дон экинлари етиштиришнинг, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик, ипакчилик ишларининг илғор методларини тасвирловчи илмий-оммабоп, хроникал-ҳужжатли ва ўқув фильмлари кўрсатилади.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалик мутахассисларни ва илғорларни томонидан лекциялар ҳам ўқилади.

Тошкент-пассажир станциясининг

темир йўл билетларини

ОЛДИНДАН СОТУВЧИ

КАССАЛАРИ

эрталаб соат 9 дан кеч 7 яримгача ишлайди.

Тошкент область, Калинин район соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли Чоштепа амбулаторияси коллективи Тошкент область Қизил Яримой жамияти правлениесининг раиси Ўртоқ Ҳаким Зариповга қизи

Дилором ЗАРИПОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент янгиликлари

КИНО КЕЧАЛАРИ

Тинувчилар маданият саройида ўтказилаётган тематик кино кечалари «Қизил тонг» фабрикаси ишчи ва хизматчиларида яхши таассурот қолдирмоқда.

Яқинда ўтказилган кино кечасида ишчилар «Масалани кибернетика ҳал қилади», «Видеомагнитофон», «Фан ва техника» киножурналларини томоша қилдилар.

ЯНГИ МАГАЗИН

Чилонзордаги еттинчи «Б» сектори кун сайин яшнаб, ҳуснига-ҳусн қўшиляпти.

Яқинда бу ерда яна кўп квартирали тураржой биноси фойдаланишга топширилди. Бинонинг биринчи қаватида 124-озиқ-овқат магазини ишлай бошлади.

О. СТАРОДУБЦЕВА.

БОЛАЛАР УЧУН КОМЕДИЯ

Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрининг репертуари яна бир янги асар билан бойиди. «Қовоқвой ва Чаноқвой» деб аталувчи бу комедияни болалар шоири Пўлат Мўмин ёзган.

Асарга композитор Фаттоҳ Назаров ёқимли музика ёзган. Узбекистон ССР халқ артисти А. Турдиев саҳналаштирган бу спектаклда театрнинг етакчи артистларидан О. Толипов ҳамда В. Қодиров, Н. Ҳамидова, М. Рустамов ва бошқа ўртоқлар иштирок этганлар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 29 ФЕВРАЛЬ 1964 ИИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, Правда Востока кўчаси, 26уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор —29004. Редактор ўринбосари—25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими —28761. Ахборот ва спорт бўлими —33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —34048. Эълонлар бўлими —28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05242. ИНДЕКС 64695. Нашр. № Б. 1702.